БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 41 (1045)

26 ФЕВРАЛЬ ЧОРШАНБА 1958 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

СССР Олий Совети сайлови шарафига (1-бет).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони (1-бет).

ХАЛҚ КАНДИДАТЛАРИ: **А. Муқимов, В. Белов, Н. Фоменко.** — Бизнинг муносиб кандидатимиз (2-бет).

Сайловдан сайловгача: Қ. Мўминов. — Районимиз янада обод бўлади (2-бет).

РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР: **А. Барбараш.** — Бинокорлик материалларининг талон-торож қилинишига йўл қўйилмасин (2-бет).

Барча техникани чигит экишга сифатли тайёрлаб қўяйлик! **Т. Йўлдошев.** — Механизация—ҳосилнинг калиди (3-бет)

В. Фадеева. — Ипак қурти боқишга пухта тайёргарлик (3-бет).

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ: **Сами Раҳим.** — Меҳнат ва натижа (3-бет).

Бирлашган араб республикаси (4-бет).

ЧЕТ ЭЛЛАРДА: Бирлашган Араб Республикасини кўп давлатлар танимоқда (4-бет).

Индонезияда аҳвол (4-бет).

Оналар халқаро доимий комитетининг Декларацияси (4-бет).

Совет хотин-қизлари—коммунизмнинг актив қурувчилари

Бизда социалистик қурилишнинг бирорта участкаси йўқки, хотин-қизларимиз эркаклар билан ёнма-ён туриб ишламаётган, ўз куч-ғайрати, ақл-заковатини ва ижодий ташаббусини кўрсатмаётган бўлсин. Бу шубҳасиз, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг тарихий ғалабалари натижаси ва Коммунистик партия ленинча сиёсатининг тантаналаридан биридир.

Революциядан илгари саводсиз чўри бўлган, юзини очишга ҳам журъат эта олмаган ва ижтимоий ҳаётдан четлатиб қўйилган ҳуқуқсиз ўзбек хотин-қизлари эндиликда коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида эркаклар билан бир қаторда завод, фабрика цехлари ва хашаматли қуриш объектларида меҳнат қилмоқдалар, колхоз, совхоз далаларида мўл ҳосил етиштирмоқдалар, чорвачилик фермаларида сут соғиб олишни кўпайтирмоқдалар, университет кафедрасида туриб дарс бермоқдалар, лаборатория столлари олдида ўтириб, катта илмий ишлар билан шуғулланмоқдалар.

Революциядан олдинги йилларда бу ҳақда ўйлаш ҳам мумкин бўлмаган бир нарса эди. В. И. Ленин айтганидек, капитализм шароитида, ҳатто энг илғор буржуа республикаси деб аталган мамлакатларда ҳам хотин-қизлар ҳеч қачон тўла равишда тенг ҳуқуқли бўлган эмас ва ҳеч қачон бўлолмайдилар ҳам. Мустамлака шарқидаги хотин-қизларнинг машаққатли, ҳуқуқсиз турмуши худди ўзбек хотин-қизларининг бир замонлар ўз бошидан кечирган қолоқ ва қулфатли ҳаётини эслатади. Ўзбек хотин-қизларининг зулматда нолон бўлиб яшаган вақтлари эса узоқ ўтмишда қолиб кетди. Коммунистик партия ва совет давлати ўзбек хотин-қизларига озодликнинг кенг йўлини очиб бериш билан бирга, уларнинг онгини маърифат шуълалари билан ёритди, коммунистик жамият қуришнинг ҳамма соҳаларида актив иштирок этишлари учун барча имкониятларни яратиб берди.

Республикамиз, шу жумладан областимиз хотин-қизлари ижтимоий-сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида актив қатнашмоқдалар, бу билан тинчлик, осойишталик ва фаровонлик ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар орасида давлат арбоблари, саноат корхоналарининг новаторлари, қишлоқ хўжалик илғорлари, фан, санъат ва маданиятнинг кўзга кўринган намояндалари бўлган ажойиб меҳнатсевар ва истеъдодли хотин-қизларимиз бор. Чунончи, токарлик станогини моҳирлик билан бошқараётган чирчиқлик ишчи Хадича Гумирова билан смена инженери Гавҳар Ҳайдаровани, тошкентлик донгдор тўқувчилар Нина Игнатова билан Садди Пўлатовани, Мирзачўлнинг бепоён ерларини ўзлаштириш ва у ерларда пахтадан мўл ҳосил етиштиришда жон куйдириб ишлашаётган Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Назира Йўлдошева билан Лолахон Эрбўтаевани, бўғалик қаҳрамон Саодат Гулаҳмедова билан машҳур сут согувчи Ҳикоят Абдуллаевани, донгдор механизатор Охунова билан атоқли олима Хадича Сулаймоновани, талантли санъаткоримиз Сора Эшонтўраева билан хизмат кўрсатган муаллима, ҳурматли Хабиба Юсуповани ким тачимайди дейсиз! Областимизнинг бутун меҳнаткашлари ўзларининг ана шулар сингари талайгина талантли ва истеъдодли хотин-қизлари билан ҳақли равишда фахрланмоқдалар, уларнинг меҳнатига юксак баҳо бермоқдалар.

Областимиздаги кўпгина шаҳар ва район партия ташкилотлари КПСС XX съезди кўрсатмаларига амал қилиб, хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш, уларни жамоат ҳаётига актив жалб қилиш юзасидан анча иш қилдилар. Натижада саноат корхоналарида хотин-қизлардан ишлаб чиқариш новаторларининг сони кўпайди, колхоз ишлаб чиқаришининг ажойиб мастерлари етишиб чиқди. Областимиз хотин-қизларидан 6 мингга яқин киши орден ва медаллар билан мукофотланди, 21 хотин-қиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони олишга сазовор бўлди. Ҳозирги вақтда областимиз хотин-қизлари орасида Ўзбекистон ССР ва СССР Олий Советларининг депутатлари, 3000 га яқин меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг депутатлари бор.

СССР Олий Совети сайловларига тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги пайтда областимиз меҳнаткашлари мамлакатимиз давлат ҳокимиятининг олий органи депутатлигига номзодлари кўрсатилган донгдор хотин-қизларимизнинг номларини зўр ҳурмат билан тилга олмоқдалар ва уларга катта ишонч билдирмоқдалар.

Партия ташкилотлари томонидан олиб борилган ишлар натижасида олий ва махсус ўрта ўқув юртларига кирувчи хотин-қизлар, айниқса ўзбек хотин-қизлари анча кўпайди. Маҳаллий миллат хотин-қизларидан кўп киши Москва, Ленинград ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидаги ўқув юртларида таълим олмоқда.

Хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, уларни жамоат ишларига кўпроқ жалб этиш маҳаллий партия ташкилотларининг ҳар доим диққат марказида туриши лозим. Лекин шуни эътироф қилмоқ керакки, ҳали кўпгина жойларда партиявий ишнинг ана шу муҳим участкасида ҳали ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Айрим партия ташкилотлари хотин-қизларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, уларни раҳбарлик лавозимларга кўтаришнинг аҳамиятига етарли баҳо бермаётирлар. Вазифа — бу соҳадаги камчиликларни узил-кесил тугатиб, хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришдан, уларни раҳбарлик ўринларига далиллик билан кўтариб, қобилиятларини ўстиришдан иборат.

Шу йил март ойида Тошкентда Ўзбекистон хотин-қизлари съезди ўтказилади. Бу съезд республикамиз хотин-қизлари ҳаётида жуда катта воқеа бўлади. Барча область ва районлардан келган вакиллар, халқимизнинг содиқ қизлари қилган ишлари тўғрисида съезд минбаридан туриб сўзлаб берадилар, ўз фикрлари ва ижодий планлари билан ўртоқлашадилар. Республикамиз олдида турган хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини қай тарзда амалга ошириш тўғрисида бамаслаҳат фикр юритадилар. Съезд хотин-қизларнинг бутун куч-ғайратини КПСС XX съезднинг қарорларидан келиб чиқадиган улуғвор вазифаларни бажаришга тўла сафарбар қилишда ҳам шубҳасиз катта роль ўйнайди. Шу билан бирга съезд маҳаллий партия ташкилотлари олдига бундан буён ҳам хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш, улар тўғрисида ғамхўрликни янада кучайтиришдан иборат ҳақли талабни қўяди.

Совет кишилари тинч ижодий меҳнат ғайрати билан тўлиб тошган ва СССР Олий Совети сайловига қизғин тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги шодиёна кунларда областимизнинг саноат корхоналарида, колхоз, совхоз ва МТС ларида, илмий муассаса ва ўқув юртларида съездга тайёргарлик ишлари кучайиб кетди. Бўлажак съезд совет хотин-қизларининг, шу жумладан ўзбек хотин-қизларининг совет ҳокимияти 40 йили ичида эришган ютуқларини тантана қилувчи намойишга айланади ва уларни коммунистик қурилиш ишларига янада активроқ жалб этишда муҳим роль ўйнайди.

Хотин-қизлар йиғилиши

Ҳамза номли театр биносида Тошкент шаҳар Октябрь район хотин-қизларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Октябрь район партия комитетининг секретари Ўртоқ К. Жўраева КПСС XX съезди тарихий қарорларини амалга оширишда хотин-қизларнинг иштироки ҳақида доклад қилди.

Докладчи хотин-қизларнинг қишлоқ хўжалиги ва саноатда, мамлакатимизнинг ҳамма соҳаларида актив иштирок этиб партиямиз кўрсатмаларини сидқидиллик билан бажариб келаётганлиги, саноат корхоналарида ишлаётган меҳнаткашларнинг 40 процентини хотин-қизлар ташкил қилишини айтиб ўтди.

Сўзга чиққан «Шарқ гули» артелининг раиси Муслимова, врач Шокирова, Октябрь район комсомол комитетининг секретари Ёқубжонова ўртоқлар республика хотин-қизлар съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш тўғрисида гапирдилар. Шунингдек Ҳамза театрининг артисткаси Икрома Болтаева раҳбар органларнинг ходимлари хотин-қизлар орасида кам бўлиши, уларнинг турмуш шароити билан яқиндан танишмасликлари, айниқса Октябрь районида хотин-қизлар орасида жуда кўп иш олиб бориш кераклигини айтиб, феодал қолдиқларига қарши кескин кураш олиб борилмаётганлиги ҳақида гапирди.

Йиғилиш иштирокчилари область хотин-қизлар йиғилишига ва республика хотин-қизлар съездига делегатлар сайладилар. Ҳамза номли театр коллективи хотин-қизларга драматург А. Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар» спектаклини кўрсатди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ САЙЛОВИ ШАРАФИГА

☆ ☆ ☆

Мирзачўлда пахта етиштиришни купайтирайлик

Сирдарё районининг пахтакорлари Москва кенгашида қабул қилинган мажбуриятларни зўр эътибор билан муҳокама қилаётирлар. Райондаги барча колхоз бригадалари ва МТСларида агитаторлар газеталар ўқиб бермоқдалар. Дала шийпонларида, устахоналарда ва фермаларда суҳбатлар ўтказилмоқда. Бу суҳбатларда далаларнинг меҳнаткашлари ўз фикрларини айтмоқдалар.

— Охунбобоев номли колхоз аъзолари пахтакорлар Бутуниттифоқ кенгашининг ҳужжатларини иш учун жанговар программа деб қабул қилдилар, — дейди ўша колхознинг бригадири Тоғоймурот Назаров. — Капиталистик мамлакатлар билан тинч мусобақада пахта етиштиришни камида икки баравар кўпайтириб, мамлакат бўйича ялпи пахта ҳосилини 9-10 миллион тоннага етказиш учун бизда реал имкониятлар бор, деб қурултойда тўғри айтиб ўтилган. Программани амалга ошириш мумкинлигини Мирзачўлдаги тажрибадан кўрса бўлади. Бу ерда 1 миллион гектар қўриқ ерни ўзлаштириш учун тўла имконият бор. Биз илгари унумсиз ётган ерларда пахтадан ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олишни ўргандик. Энг янги техника ва илғор агрономия тадбирлари юқори ҳосил олишга ёрдам бермоқда. Ўтган йили, масалан, қишлоқ хўжалик артели давлатга 1.200 гектар ернинг ҳар гектаридан 37,2 центнердан пахта топширди.

— Мамлакат пахтакорларининг мажбуриятларини қўллаб-қувватлаб, — деди шу колхознинг бригада бошлиғи Султон Тошев, — биз бу йил ўртача 38 центнер ҳосил олишга қарор бердик. Бунинг учун бутун экин майдонидаги ғўза қатор оралари узунасига ва кўндалангига ишланади. Шу билан бирга ўтган йилгидан икки баравар кўп майдонда режа сими билан квадрат-уялаб экамиз. Шўр ерларда чигитнинг бир текисда униб чиқиши учун ўтган йилги тажриба асосида янги агрономия тадбирини қўлланиб, ғўзани барвақт озиқлантирамиз. Бизнинг колхозимиз ҳозирдаёқ экиш ишларига тайёр бўлиб турибди.

Райондаги Ленин номли, Тарас Шевченко номли, «Правда» ва бошқа колхозларнинг аъзолари пахтакорлар Бутуниттифоқ кенгашининг материалларини қизғин муҳокама қилаётирлар. (ЎзТАГ).

Тикувчилар совғаси

Тошкент шаҳар Киров районидаги биринчи тикув заводининг чеварлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг барча сайловчиларга Мурожаатини зўр ҳурсандчилик билан кутиб олдилар. Бу чақириқ барча тикувчилар, мастерлар ва инженер-техник ходимлар ўртасида муҳокама қилинди. Цех ва участка коллективлари ўз зиммаларига янги социалистик мажбурият олдилар. Шу кунларда бу мажбуриятни бажариш учун кураш тобора қизғин тус олмоқда.

— Бизнинг завод ишчилари, — дейди корхона директори Ўртоқ Нигмонов, — январь ойида меҳнаткашларга 38.800 ўрнига 45.650 та яъни белгиланганидан 4850 та кўп костюм тикиб бердилар. Шим тикиш плани ҳам муваффақиятли бажарилди, шапка тикиш топшириғи эса 127,6 процент қилиб бажарилди. Умумхалқ байрами — СССР Олий Совети сайлови кунигача қўшимча равишда яна бир неча минг кишига костюм, шим ва бош кийим тикиб бериш ниятида коллективимиз ғайратига-ғайрат қўшиб ишламоқда.

Мастер Ханифа Раҳимова бошчилигидаги участка кундалик топшириқни мудом 115-120 процент қилиб бажараётир. Насиба Обидова, Матлуба Алимова ўртоқлар сингари юзлаб ишлаб чиқариш илғорлари Николай Мамай ташаббуси асосида ишлашда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Уларнинг жонбозлик кўрсатиб ишлаши натижасида корхонада февраль ойининг биринчи ярмида ҳам ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш графиги ортиғи билан бажарилди.

Р. ҚОСИМХЎЖАЕВА.

Мажбурият ортиғи билан бажарилди

Бекобод шаҳар меҳнаткашлари СССР Олий Советига сайлов кунини ишлаб чиқаришда муносиб совғалар билан кутиб олиш мақсадида иш суръатини тобора оширмоқдалар. Фарҳод ГЭС энергетиклари ва металлурглар, айниқса яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Металлургия заводининг мартенчилари сайлов кунигача пландан ташқари 300 тонна пўлат тайёрлаш мажбуриятини олган эдилар. Мавжуд резервлардан унумли фойдаланиш ҳамда илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириш туфайли бу мажбурият ҳозирнинг ўзидаёқ ортиғи билан бажарилди. Шу кунгача Ўзбекистон металлурглари халқ хўжалигига пландан ташқари 600 тоннага яқин пўлат етказиб бердилар.

Николай Мамай ташаббуси асосида ишлаётган донгдор пўлат эритувчилардан Жилдев, Ҳайдаров ва Измайлов каби ўртоқлар эритма олиш вақтини нормадагидан икки соат қисқартиришга эришдилар. Прокатчилар ҳам мартенчилардан орқада қолмаётирлар. Ўртоқ Карев бошлиқ бригада аъзолари шу кунларда смена топшириғини 200 процентгача етказиб бажараётирлар. Шунингдек, Шамси Нуритдинов раҳбарлик қилаётган бригада ҳам юқори кўрсаткичларга эришаётир.

Н. АНТОНОВ.
И. БАРАКАЕВ.
Б. РОЙТИХ.

Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхоз аъзолари пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчиларининг Мажбуриятларини қизғин муҳокама қилмоқдалар. **Суратда:** (чапдан ўнгга) звено бошлиғи **Р. Раззоқова** ва колхозчи **Н. Йўлдошева** ўртоқлар Мажбуриятларни ўқимоқдалар. Бу звено аъзолари 1958 йилда гектаридан 45 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар.

Р. Шамсуддинов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Тошкент Совнархозида

Кеча Тошкент маъмурий-иқтисодий райони Халқ хўжалиги кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Бунда 1957 йил IV кварталидаги социалистик мусобақа натижалари якунланди. Бир группа корхона коллективларига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳамда Ўзсовпрофнинг кўчма Қизил байроқлари ва Тошкент Совнархози ҳамда касаба союз ташкилотлари область Советининг кўчма Қизил байроқлари, шунингдек пул мукофотлари топширилди.

Кенгаш йиғилишида материал-техника таъминоти плани ҳамда пахта териш машиналари конструкциясини такомиллаштириш ва уларни синаб кўриш натижалари ҳам муҳокама қилинди.

Горькийликлар ташаббусига қўшилиб

«Ташкенткабель» заводининг ишчи ва хизматчилари яшайдиган янги шаҳарча массивида уй-жой бинолари куриш ишлари кенг авж олдириб юборилди. Завод билан ёнма-ён жойлашган бу қурилиш массивида ишчилар ўзлари учун уй-жой бинолари қурмоқдалар. Биноларнинг кўпчилиги ҳозир битиш олдида турибди. Майин шабадада қилпираб турган қизил алвонларда «Бу уйлар горькийликлар методи билан қурилмоқда», «Ҳамма куч қурилиш ишларини тезроқ ва сифатли қилиб битказишга!» деган сўзлар ёзилган.

Кўча бўйлаб қурилиш материаллари ташиб келаётган автомашиналарнинг кети узилмайди. Ер текислаётган экскаватор, водопровод линиялари ўтказиш учун ер қазиш ишларини бажараётган машиналарнинг шовқини гўё бинокор ёшларнинг қувноқ кулгиларига жўр бўлгандек янграб турибди. Бу массивда 100 хўжаликка мўлжалланган уй-жой бинолари қурилаётир.

Завод дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари уй-жой қурилишига катта аҳамият бермоқдалар. Бу ишда горькийликлар ташаббуси муҳим роль ўйнаётир. Ишчи ва хизматчилар ўтган қисқа муддат ичида ўз кучлари билан ўзлари учун бир неча минг квадрат метр уй-жой бинолари қуриб олдилар. Ўтган йили 81 хўжаликка шахсий уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратиб берилди. Завод ҳозиргача шахсий уй-жой қурувчиларга 418 минг сўм миқдорида қарз берди ва қурилиш материаллари ҳамда транспорт воситалари билан яқиндан ёрдам бермоқда.

Завод ишчи ва хизматчиларига уй-жой бинолари қуриш учун тўла шароит яратиб берилган. Қурилишлар учун бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи янги участка ва цехлар ташкил қилинган. Бу эса қурилиш объектларини бинокорлик материаллари билан мунтазам равишда таъминлаш имконини бермоқда. Бундан ташқари бевосита қурилиш объектларининг ўзида хом гишт тайёрловчи агрегат ўрнатилди.

Ҳозиргача 30 дан ортиқ уйнинг фундаменти тайёрланиб, 1 минг 800 метр водопровод линияларини ўтказиш ишлари бажарилди. Заводда дурадгорлик, сувақчилик, монтажчилар ва гишт терувчилар бригадаси ташкил қилинди. Бу бригадаларга 125 ишчи-қурувчи уюшган. Куварис ва Матес ўртоқлар бошлиқ гишт терувчилар бригадаси ҳамда ўртоқ Влахус бошчилик қилаётган дурадгорлар бригадаси ойлик нормаларини доимо 200 процентдан ошириб бажараётирлар.

Кабелчилар шаҳарчаси йил сайин кўркамлашиб бормоқда. Шу кунларда кабелчилар СССР Олий Советига сайлов кунини янги уйларда кутиб олиш учун кучга-куч, ғайратга-ғайрат қўшиб ишламоқдалар.

Х. АБДУВАЛИЕВ.

Ўртоқ Алексей Илларионович КИРИЧЕНКОга

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Сизни, Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбобини, Сизнинг эллик ёшга тўлган кунингиз билан қизғин табриклайдилар.

Сизга, дўстимиз ва ўртоғимиз, қадрдон Алексей Илларионович, кўп йиллар сиҳат-саломатлик ҳамда улуғ социалистик Ватанимизнинг бахт-саодати, коммунизмнинг бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам самарали ишлашингизни чин кўнгилдан тилаймиз.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ А. И. Кириченкони Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети секретари ва Президиумининг аъзоси Ўртоқ А. И. Кириченко туғилган кунининг эллик йиллиги муносабати билан ҳамда унинг Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматларини тақдирлаб, Ўртоқ Алексей Илларионович **Кириченко Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ

Москва, Кремль.
1958 йил 24 февраль.

Чехословакия Республикасининг президенти, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Антонин НОВОТНИЙга

Чехословакия Республикаси ҳукуматининг раиси Ўртоқ Вильям ШИРОКИЙга

Қадрли Ўртоқлар!

СССР Олий Совети Президиуми, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Чехословакия меҳнаткашларининг мамлакатдаги халқ демократик тузумни тугатиш ва мамлакатда капиталистик тартибларни тиклаш мақсадида буржуазия томонидан қилинган контрреволюцион фитнани тор-мор келтириб қозонган шонли ғалабасининг ўн йиллиги муносабати билан сизларни ва бутун қардош чехословак халқини қизғин табриклайдилар.

Чехословакия шонли Коммунистик партияси раҳбарлигида чехословак халқининг эришган февраль ғалабаси натижасида империалистик кучларнинг мададига таянган мамлакатни социалистик йўлдан тойдиришга уринган ички контрреволюциянинг уринши қақшатғич зарбага учради ва ишчилар синфининг деҳқонлар ҳамда меҳнаткаш зиёлилар билан иттифоқ бўлиб тузган ҳокимиятини қатъий равишда мустаҳкамлади.

Ўз ватани учун халқ демократик тузумни эркин равишда танлаб олган ва чехлар билан словакларнинг бирлашган Миллий фронтида уюшган Чехословакия меҳнаткашларига 1948 йилнинг февраля сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида социалистик қурилишни қатъий равишда авж олдириб юбориш имкониятларини очиб берди.

Февраль воқеаларидан кейин ўтган йиллар давомида чехословак халқи ишчилар синфи бошчилигида, ўз Коммунистик партиясининг раҳбарлигида саноатни, қишлоқ хўжалигини, маданиятни ривожлантиришда, халқнинг турмуш даражасини юксалтиришда ажойиб муваффақиятларга эришди. Бу муваффақиятлар социалистик системанинг капиталистик системага нисбатан бўлган туб афзалликларини зўр куч билан намойиш қилиб кўрсатмоқда.

Чехословакия Республикаси қудратли социалистик лагернинг мустаҳкам звеноси бўлиб қолди ҳамда бутун дунёда тинчликни ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга ўзининг зўр ҳиссасини қўшмоқда.

Сиз қадрли дўстларга ва Чехословакиянинг ҳамма меҳнаткашларига мамлакатингизда социализм қурилишини тугаллашда, Совет Иттифоқи билан Чехословакия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда, тинчлик ишининг ва халқлар ҳавфсизлигининг тантана қилиши учун курашда чин кўнгилдан янги муваффақиятлар тилаймиз.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
К. ВОРОШИЛОВ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи Секретари
Н. ХРУШЧЕВ

СССР Министрлар Советининг Раиси
Н. БУЛГАНИН

Москва, Кремль.

МТС агитпунктида

Бино шинам безатилган. Узун каридорнинг ўнг томонидаги қатор учта эшикка ўқиш зали, шахматшашка ва биллиард зали деб ёзиб қўйилган.

Кундуз соат 12. Ўқиш зали очиқ. Узун стол устига турли китоб, газета ва журналлар тартиб билан териб қўйилган. Кино залида киномеханик кечқурунги сеансга аппаратини созламоқда. Агитпункт мудири В. Квятковский катта фанер тахтага электр лампочкалари билан «16 март — СССР Олий Советига сайлов куни», «Ҳамма сайловга!» — шиорларини ёзмоқда.

— Механизаторларимиз сўнгги машиналарини кўкламга тахт қилиб қўйиш учун астойдил ишламоқдалар. Шунинг учун агитпунктимиз фақат кечқурун гавжум бўлади, — дейди у. В. Квятковский МТС клубига мудирлик қилади, маданий-оммавий ишларни севади, МТС ишчи ва хизматчиларининг моддий ва маданий ҳаётлари билан яқиндан таниш. У, 1954 йилда СССР Олий Советига бўлиб ўтган сайловдан бери МТС да доимий ишлайдиган ишчи ва хизматчилар учун МТС мастерскойи ёнидан махсус ер участкаси ажратилгани, бу участкада 90 га яқин типовой янги уй қуриб битказилгани, ҳозир бу ерда механизаторлар ўз оилалари билан хушчақчақ ҳаёт кечираётганлари ҳақида мароқ билан сўзлайди.

Агитпункт жуда кўп газета ва журналлар олади. Ҳар куни кинофильм кўрсатилади, ўқиш залига телевизор ўрнатилган.

Янгийўл 1-МТСи ҳузуридаги бу агитпунктда СССР Олий Совети сайловига тайёргарлик ишлари намунали йўлга қўйилган. 1500 дан ортиқ сайловчининг ҳаммаси рўйхатга олинди. Н. Худойберганов, В. Пономаренко, Г. Лошчинина каби агитпунктнинг 40 дан ортиқ актив агитаторлари механизаторлар орасида СССР Олий Совети сайловига тайёргарлик ишларига бағишланган агитация ишларини олиб бормоқдалар.

Б. ШОНАЗАРОВ.

Сайловга тайёргарлик қизитилмоқда

Оққўрғон районидаги Тельман номли колхоз ҳузуридаги 112/210 сайлов участкаси агитпунктида СССР Олий Совети сайловига тайёргарлик ишлари тобора қизитилмоқда. Агитпункт мудири Нурилла Собиров агитаторларга мунтазам инструктаж бериб туради.

Агитпунктда газета ва журналларнинг сўнгги сонлари, брошюралар, бадиий, сиёсий китоблар ҳамма вақт топилади. 57 агитатор колхозчилар орасида тез-тез бўлиб туради, улар колхозчилар ишлаётган жойларга бориб, улар билан қизғин суҳбатлар ўтказаётирлар.

Актив агитаторлардан Икром Саримсоқов «СССР Олий Совети — Совет давлатининг юқори органи», Мажид Тосоев «Совет сайлов системаси — дунёда энг демократик сайлов системасидир» деган темаларда суҳбат ўтказдилар.

Агитпункт ҳузурида ҳар куни кинофильм кўрсатилади, тез-тез бадиий кечалар уюштириб турилади.

М. ОЙДИНОВ.

ХАЛҚ ҚАНДИДАТЛАРИ

Бизнинг муносиб кандидатимиз

Нина Алексеевна Игнатова

1941 йил 22 июнь бутун совет кишиларининг ёдида узоқ сақланиб қолади. Ана шу куни гитлерчи босқинчилар бизнинг Ватанимизга хиёнаткорона бостириб кирдилар. Бутун совет халқи ўз озодлигини ҳимоя қилиш учун муқаддас урушга кўтарилди. Ана шу вақтда Нинанинг отаси ҳам Ватанни ҳимоя қилиш учун фронтга кетди ва жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Онаси эса бомбардимон вақтида ҳалок бўлди. Отаонасиз етим қолган Нина кўчада қолмади. У болалар уйида тарбияланди ва ўқиди. Сўнгра у Серпуховдаги тўқимачилик техникумини аъло баҳо билан битирди.

1949 йилда Нина Алексеевна Игнатова йўлланма билан Тошкент тўқимачилик комбинатининг 2- фабрикасига ишга келади. Биринчи вақтда у ремонт бўлимида ремонтчилар мастери бўлиб ишлай бошлади. Унинг асосий вазифаси станокларни ўз вақтида пухта қилиб ремонтдан чиқариш ва бу билан цехнинг бир меёрда ишлашини таъминлаш эди. Кекса, тажрибали ремонтчилардан таълим олган Нина кўп вақт ўтмай бундай шарафли ишни мустақил равишда муваффақиятли бажара бошлади.

Нина Алексеевнанинг ўз ишида эришаётган ютуқлари коллективни беҳад қувонтирди. Унинг ишда жонкуярлик кўрсатаётганини кўрган кекса мастерлар. ўни смена мастерлигига тавсия этдилар. Ёш қиз учун кекса мастерларнинг бундай қарори катта ишонч эди.

У сменани қабул қилиш вақтида ишчиларни жой-жойига ўрнатишга, сменанинг тўғри қабул қилинишига катта аҳамият беради. Меҳнатни ташкил қилишни тўғри йўлга қўйилиши самарали натижалар бера бошлайди. Унинг сменаси давлат планини доим ошириб бажаради ва маҳсулотнинг деярлик ҳаммасини аъло сифатли қилиб ишлаб чиқара бошлайди. Ойлик план унинг сменаси бўйича доим 101-103 процент бажарилиб, ишлаб чиқарилаётган газламаларнинг 97,5-98 процента биринчи сортга топширилмоқда. Янги йилнинг биринчи ойи бўлган — январь плани 102,9 процентга етказилиб бажарилди ва ойлик пландан ташқари 7 минг метр аъло сифатли газлама ишлаб чиқарилди.

Нина Алексеевна Игнатова комплектларнинг ишига айниқса катта аҳамият беради. Чунки бирорта комплект ўз мажбуриятини бажаролмаса у бу билан смена бўйича планнинг бажарилишига катта тўсқинлик қилган бўлади. 40-комплект бир неча ойлар давомида давлат планини бажармади. Бу аҳвол Нинани ташвишлантирди ва у бу комплектнинг ишини йўлга қўйиш учун унга тажрибали мастер ёрдамчиларидан Сулаймонов, Муқимов ва Саидов ўртоқларни бириктириб қўйди. Бундай тадбир кўрилиши натижасида комплект планни 113-115 процентга етказиб бажара бошлади.

Ўртоқ Игнатова ишчиларга ҳам ёрдам беришни ўзининг муҳим вазифаси ва бурчи деб билади. Яқинда у зарядчи бўлиб ишлаётган ва кечки тўқимачилик техникумида ўқиётган Галина Гришинага тўқувчилик касбини эгаллашда ёрдам берди.

Нина техникумда олган маълумот билан чекланиб қолмади. У 1952 йилда тўқимачилик институтининг кечки бўлимига ўқишга кирди ва ўтган йили уни муваффақиятли битирди. Ҳаммага маълумки, корхонадаги ишни олий ўқув юртида ўқиш билан боғлаб олиб бориш жуда қийин масала. Лекин Нина бундай қийинчиликларни енгаолди ва ўзининг кучли ва мустаҳкам иродага эга эканлигини амалда кўрсатди.

Ўртоқ Игнатова ишлаб чиқаришнинг моҳир ташкилотчисигина бўлиб қолмай, балки яхши жамоатчи ҳамдир. Шу билан бир вақтда у ўз сменасида ишловчи ишчиларнинг соғлиги, турмуши, юриш-туриши билан қизиқади, вақти-вақти билан уларнинг ҳолидан хабар олиб туради, ёш ишчилар билан суҳбатлашади, ётоқхоналарга бориб, у ердаги шароит билан танишади. Шу сабабли ҳам Нинани бутун коллектив севади ва чин қалбдан ҳурматлайди.

СССР Олий Совети депутатлигига кандидатлар кўрсатиш вақтида цех коллективи ва бутун комбинат коллективи унинг кандидатурасини бир овоздан депутатликка кўрсатдилар. Бундай ишонч — халқ ишончи Нина Алексеевна учун катта бахтдир. Нина Алексеевна биз тўқимачиларнинг муносиб кандидатимиздир. У халқ хизматкори деган шарафли номни албатта оқлайди. Бутун коллектив бунга аминдир.

А. МУҚИМОВ,
В. БЕЛОВ,
Тошкент тўқимачилик комбинати 2-тўқув фабрикасининг мастер ёрдамчилари.
Н. ФОМЕНКО,
тўқувчи.

Фан ва техника янгиликлари

ПЎЛАТДАН МУСТАҲКАМ ГАЗМОЛ

Бизнинг саноатимиз янги хил шиша толаларидан махсус газмол тайёрлашни ўзлаштирди. Жуда ингичка шиша толаларидан тўқилган бу газмол ўзининг мустаҳкамлиги жиҳатидан пўлатдан қолишмайди. Бу янги материал радио ва электротехника саноатида кенг фойдаланилади. У иссиқлик ва товушни ўтказмайди. Шу сабабли ундан уй-жой қурилишида ҳам фойдаланиш мумкин.

ҚАЛИНЛИГИ 0,002 МИЛЛИМЕТР

Қора металлургия Марказий илмий-текшириш институти прокат стани лабораторияларида махсус қотишмадан қалинлиги 0,002 миллиметр келадиган лента тайёрланди. Бу лента хитой қоғоздан 10-12 баравар ва киши сочининг толасидан 20 баравар юпқадир.

АВТОМАТ КРАН

Киевдаги механика заводининг коллективи автомат кран тайёрлашни ўзлаштирди. Бу агрегат масофадан туриб портатив электропульт ёрдами билан бошқарилади. Крановщик агрегат кабинасида ўтирмайди, балки у, иш фронти яхши кўринадиган бирорта қулай жойни танлаб олиб, ўша ердан кранни бошқараверади.

КЎЧМА ТЕЛЕВИЗИОН СТАНЦИЯЛАР

Ленинград халқ хўжалик кенгаши радиотехника саноати Бошқармасининг корхоналари янги йилдан бошлаб кўчма телевизион станцияларни оммавий равишда ишлаб чиқаришга киришди. Бундай станция 2 дизель автобусга ўрнатилган. Автобусларнинг бирига қабул қилиш ва узатиш аппаратлари монтаж қилинган, иккинчисига эса мастерской жойлаштирилган.

«ЭЛЕКТР СОЧИҚ»

Эстония ССР Тарту шаҳар саноат комбинатининг коллективи янги маҳсулот — «электр сочиқ»лар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. «Электр сочиқ» электр токида қиздирилган ҳавони вентилятор ёрдами билан чиқариб туради ва тутилган буюмни қуритади.

ПИЧАН ЙИҒИШ МАШИНАЛАРИ

Бу йил далаларда ем-хашак йиғиштириб олишда ишлатиладиган пресс подборщикли тирковлар кўп миқдорда пайдо бўлади. Конструкторлар «ППБ-1,3», «ППВ-1,6» ва «ППР-1,6А» маркали учта машинани ишлаб чиқдилар. «ППР-1,6А» машинаси пичанни ўриб, йиғади, «ППБ-1,3» ва «ППВ-1,6» машиналари эса ўрилган пичанни тойлайди.

Редакцияга хатлар

Бинокорлик материалларининг талон-торож қилинишига йўл қўйилмасин

Кейинги йилларда бутун республикамизда ва айниқса Тошкент шаҳрида қурилиш ишлари кенг ҳажмда олиб борилаётир. Бу, ўз навбатида бинокорлик ишларини тўғри планлаштириш, меҳнат нормаларини конкрет белгилаш ҳамда бинокорлик материаллари сарфланишни устидан қаттиқ контроль ўрнатишни талаб этади. Қурилиш объектларидаги мавжуд материал-техника базасини тез-тез ревизия қилиб туриш, материаллар сақланадиган складларга масъулиятни ҳис этадиган кишиларни тайинлаш ҳар бир қурилиш ташкилоти раҳбарларининг диққат марказида туриши зарур.

Афсуски, кўпгина қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари асосий эътиборни меҳнат унумдорлигини оширишга қаратадилару, бироқ давлат томонидан етказиб берилаётган бинокорлик материалларининг қандай сақланаётганлиги, улардан қандай фойдаланилаётганлиги тўғрисида кам ўйлайдилар.

Бунга бизнинг 3-қурилиш-монтаж бошқармамиз ишидаги жиддий нуқсонлар тўла мисол бўла олади. «Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу йил 11 февраль сонида босилган мақолада 3-СМУнинг раҳбарлари томонидан йўл қўйилган жиддий нуқсонлар тўғри кўрсатилган. Хўш, нима учун ана шундай катта хатоликларга йўл қўйилди? Даставвал шуни кўрсатиб ўтиш керакки, 32-трест раҳбарлари қурилиш-монтаж бошқармасига бинокорликдан хабари йўқ, бетайин кишиларни бошлиқ этиб тайинладилар. Масалан, 3-СМУнинг собиқ бошлиғи Каракозов бинокор инженер эмас эди. У, бинокорликдан анча узоқдаги бир киши, лекин шундай бўлишига қарамасдан, 1956 йилда уни бошлиқ этиб тайинладилар. Каракозов ўз мансабидан фойдаланиб, қурилиш объектларини Магер, Долгов, Сизоненко сингари жиноятчилар билан тўлдирди. Оқибатда юқорида номлари кўрсатилган шахслар давлатнинг неча юз минг сўм маблағини талон-тарож қилдилар. СМУда хўжасизликни авж олдиридилар, бухгалтерия ходимлари эса бинокорлик материалларининг устидан қатъий контроль ўрнатмадилар, бажарилмаган ишларга, сарф этилмаган бинокорлик материалларига тузилган соҳта наряларни кўр-кўрона қабул қилабердилар.

Қурилиш ташкилотларидаги ишнинг муваффақиятли бориши учун аввало бухгалтерия аппарати, хусусан бош бухгалтер аниқ, қатъий назорат қилиб бориши керак. Бош бухгалтер қурилиш хўжалигининг энг майда деталларига қадар пухта билиши зарур. У, бухгалтерия ходимлари ҳамда прорабларнинг ҳамда прорабларнинг томонидан тузилаётган ведомость ва нарядларнинг конкрет бўлишлиги, маош фонди ва бинокорлик материалларининг қандай мақсадларга сарфланганлигини системали равишда кузатиб туриши лозим. Лекин 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг собиқ раҳбарлари молия хўжалигини бутунлай ердан чиқариб қўйган эдилар.

Бизда бинокор инженерлар етарли. Бироқ трест раҳбарлари ёш инженерларни авайлаб тарбиялаш, уларни хўжаликка чинакам раҳбарлик қилишга ўргатиш ўрнига, юқорида айтганимиздек, ишни бинокорликдан узоқ бўлган шахсларнинг қўлига топшириб қўядилар. Моломики, бизда малакали бинокор инженер кадрлар кўплаб етиштирилаётган экан, нега биз улардан тўғри фойдалана олмаётирмиз? Бу ерда қандайдир бир сир борга ўхшайди. Бу сир бизнингча, ошна-оғайнигарчиликдан, юз-хотир қилишдан иборат бўлса керак. Ахир Магер. Каракозов сингари шахсларнинг бинокор инженер бўлмай туриб, қурилиш ташкилотларидаги лавозимларга тайинланишини қандай тушуниш мумкин?!

Айрим қурилиш ташкилотларида эндигина институтни тамомлаб, ишга келган ёш бинокор-инженерни менсимайдилар. Уларни хўжакўрсингагина ишга қабул қиладилару, лекин иккинчи даражали ишларни топшириб қўядилар. Бу ҳам майли. Бинокор-инженернинг айрим ҳолларда ҳатто ўрта техника маълумотига ҳам эга бўлмаган кишиларнинг қўлига топширадилар. Бизда ҳам ана шундай камчиликлар йўқ эмас.

Эндигина ишлаб чиқаришга қадам қўйган ёш инженерларга нисбатан бундай муносабатда бўлиш, албатта нотўғридир.

Сўнгра, қурилиш ташкилотларидаги хўжалик ишларининг партия ташкилоти олиб борилаётганлигидан айрим шахслар ўзларининг манфаатлари йўлида фойдаланиб қолаётганликлари ҳам сир эмас. Ўтган йил Шредер номли институт қурилишининг прораби Ан бир неча ўн минг сўмлик бинокорлик материалларини талон-торож қилган эди. Биз ана шу ҳақда ўз вақтида акт тузиб, Тошкент район прокуратурасига ошиқдик, лекин прокуратурадаги ўртоқлар ана шу растрата устидан жиноий иш кўзғатмадилар. Орадан бир неча ой ўтгач, яъни 1957 йилнинг охирларида собиқ прораб Сизоненконинг бир неча ўн минг сўмлик бинокорлик материалларини ўғирлаганлиги тўғрисида ҳам акт тузиб, Фрунзе район прокуратурасига узатган эдик. Афсуски, бу районларнинг прокуратура ходимлари ҳанузгача жиноятчиларни кидириб топмаётирлар. Сизоненко ҳам, Магер ҳам, Долгов ҳам, Ан ҳам Тошкент шаҳрининг турли қурилиш ташкилотларида ишлаб юрибдилар.

Бухгалтерия ходимлари у ёки бу растрата ҳақида акт тузиб, прокуратура органларига ларҳол топширар эканлар, нега улар бу шахсларнинг ишини пайсалга солдилар? Бизнингча, социалистик мулкни турли йўллар билан ўзлаштираётган, бинокорлик материалларини талон-торож қилаётган шахслар кескин жазоланишлари керак. Биз Тошкент шаҳар прокуратурасидан шуни талаб қиламиз.

А. БАРБАРАШ,
32-қурилиш трести 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг бош бухгалтери.

Беморлар арзи

Сирдарё районидаги «Ленинизм» колхозининг аъзолари колхозда медицина пункти ташкил этилганлигидан беҳад қувонган эдилар. Афсуски, бу қувонч узоққа бормади. Медицина пунктининг мудири А. Кузнецова беморларнинг дардига қараб эмас, қўлидаги пулига қараб даволайдиган бўлиб қолди. Медицина пунктига ўзи юриб келолмайдиган оғир касалларни кўриш учун чақиртирганда хушласа бориб, хушламаса бормаётганини, медицина пунктини ҳам хоҳласа очиб, хоҳламаса очмаётганини айтмайдизми. Яқинда колхозчи Э. Акаеванинг қўлидаги ёш боласи оғир касал бўлиб қолди, тонг отгунча она ҳам иситмаси кўтарилиб, оғриб қолди. Эрталаб Акаева номидан хабарчи келиб Анна Макаровнадан она-болани келиб кўриш илтимос қилинди. Аммо, Кузнецова соат 9 дан ошган бўлишига қарамай медицина пунктига келмаган эди. У Кузнецова уйига югуриб борди. Кузнецова хабарчига:

— Шу лойгарчиликда касал кўргани бораолмайман. Болани медицина пунктига олиб келинг, — деди.

— Ахир, аҳволи оғир, онаси ҳам касал,—деган илтимосга:

— Бормайман, гап тамом,—деб дўқ уриб берди.

Акаевага ва унинг боласига қўшни «Ленинобод» колхози медицина пунктининг врачи ёрдам кўрсатди.

Бунақа ҳодисалар жуда кўп учраб туради.

Анна Макаровнанинг беморларга дори сотишини айтмайсизми. Колхозчи Холиқжон Маматқуловнинг 5 сўм пулини олиб, 3-4 порошок дори берди.

— Дорингиз ўзи неча пул? Кейин нега дорини пулга сотасиз, — деб норозилик билдирди Маматқулов.

— Мен дориларни пулга сотиб оламан,—деб жавоб қилди Кузнецова.

Колхозчи Фозил Ғоффоров 8 ойлик бетоб қизчасини кўтариб медицина пунктига келди. Кузнецова «қизнинг ўпкаси касал» деди, холос. Лекин уни даволамади. Ғоффоров боласини кўтариб бошқа врачларга қатнади, Кузнецованинг қизчага қўйган диагнози бутунлай нотўғри чиқди. Бундай ҳоллар ҳам кўплаб содир бўлаётир.

Сирдарё район соғлиқни сақлаш бўлимининг раҳбарлари медицина хизматини яхшилаш ўрнига ўз манфаатини устун қўйган Кузнецовани тартибга чақириб қўярмикинлар.

И. ИБОДОВ,
М. НУРЕВ,
Қ. БЕКАЕВ,
колхоз аъзолари.

Унумли ишлашимизга нималар тўсқинлик қилаётир

Кўп қатори бизнинг босмахона коллективи ҳам СССР Олий Советига бўладиган сайловлар кунини муносиб кутиб олиш мақсадида ўз зиммасига мажбурият олган. Ишчилар ана шу олинган мажбуриятни шараф билан бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Лекин кўп ҳолларда корхона раҳбарлари ҳамда цех бошлиқларининг ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишга жиддий эътибор бермаётганликлари сабабли биз кўнгилдагидек натижага эриша олмаётирмиз. Буни ҳарф териш цехи мисолида кўриш мумкин.

Одатда ҳар бир ишчи 1,5 квадрат метр иш жойига эга бўлиши зарур. Бизда эса бир киши ишлайдиган жойда икки киши ишламоқда. Ҳарф турадиган кассалар ҳалдан ташқари эскириб кетган, унинг кўп кўзлари тешик. Маболо кассани кўтариб ҳарф терувчига олиб бормоқчи бўлсангиз, ундаги ҳарфлар йўл-йўлакай тўкилиб бўлади. Тайёр наборларни қўйиш учун махсус катаклар етишмайди, улар ерга ғишт тахлагандай тахлаб қўйилади. Ишчиларнинг кўп вакти терилган наборларни қидириб топиш учун беҳудага сарф бўлади. Агарда набор қўядиган махсус полкалар бўлганида эди, бунчалик ортиқча оворагарчилик юз бермас эди.

Иш график асосида ташкил қилинмайди. Шу сабабли ҳам ленотипчилар кўп вақт бўш ўтирадилар. Кейинчалик эса цех бошлиқлари штурмга ўтадилар. Бой берилган вақтнинг ўрнини тўлдириш ва планни бажариш мақсадида баъзи пайтларда ишчилар шанба кунлари ҳам ишдан ташқари олиб қолинадилар, айрим вақтларда эса ҳатто дам олиш кунлари ҳам иш куни деб эълон қилинади. Касаба союз комитетининг раҳбарлари эса маъмурият томонидан меҳнат қонунининг бундай кўпол равишда бузилишига бефарқ қарамоқдалар.

Юқорида кўрсатилган камчиликларнинг ҳаммаси ишни нотўғри планлаштиришдан келиб чиқаётир. Бу ҳақда босмахона раҳбарларига кўп марта мурожаат қилдик, ўтган йилги мажлисларда, шунингдек яқинда бўлиб ўтган йиғилишда ҳам юқоридаги нуқсонлар кўрсатиб ўтилди. Лекин негадир маъмурият ҳам, партия ва касаба союз ташкилоти ҳам ишчиларнинг ҳақли талабларини менсимай келаётирлар.

К. НИЁЗОВ,
Тошкентдаги 1-босмахона ҳарф териш цехининг ишчиси.

САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА

Районимиз янада обод бўлади

Киров райони — республикамиз пойтахтидаги йирик районлардан бири ҳисобланади. Унинг кенг ва чиройли кўчалари, ёзда соя-салқин боғ ва хиёбонлари бор. Сўнгги йиллар ичида ўнлаб янги кўчалар, юзлаб кўп қаватли бинолар бунёдга келди. Кўпгина ишчилар шаҳарчалари барпо қилинди. Клуб, кутубхона ва бошқа маданий-оқартув муассасалари меҳнаткашлар хизматида.

Районнинг саноати ҳам тўхтовсиз юксалмоқда. Саноат корхоналаримиз йилига миллион-миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарянти. Ўтган йили райондаги 26 корхонадан 25 таси давлат планини ортиғи билан бажариб, пландан ташқари 25 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Район меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги тўхтовсиз ошмоқда. Йилдан-йилга қурилишларга, маориф, соғлиқни сақлаш ишларига кўплаб маблағ ажратилмоқда. Ўтган йили маданий-оқартув, маиший ишларга 11 миллион 360 минг сўм сарфланди. Бу эса 1956 йилга қараганда 5 миллион 825 минг сўм кўпдир.

Бизда ободончилик ишларига кўпроқ эътибор берила бошланди. Ташландиқ, ботқоқ ерлар тартибга солинмоқда. Район четидаги бундай ерларда юзлаб уй-жой бинолари қад кўтарди, боғ, бульварлар қилинди. Бу тадбирлар учун анчагина маблағ ажратилянти. Ўтган йили биргина ободончилик ишларининг ўзига 6 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Ҳозир районимизнинг деярлик ҳамма ерида қурилиш ишлари жадал суръатлар билан бормоқда. Район Советининг сессияларида уй-жой, маданий-маиший қурилишларга доир масалалар муҳокама қилиниб турилади. Депутатларимиз ташаббус билан ишлайдиган бўлиб қолдилар. Уларнинг кўпи Совет ишларида активроқ қатнашиб, ички резервларни қидириб топишда ижроия комитетига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Бузилиб, яроқсиз бўлиб қолган, лекин уни ремонт қилиш мумкин бўлган кўп бинолар депутатларнинг актив ёрдами билан аниқланиб чиқилди. Натижада 1267 квадрат ҳажмдаги бинолар қайта ремонт қилиниб тикланди. Бундан ташқари ишга солинмаган маблағлардан фойдаланиш йўли билан 23 уй-жой бинаси қурилиб битказилди.

Депутатларимиз якка тартибда уй-жой қурувчиларга ёрдам қилишда ҳам анча ишлар қилдилар. 1951-1957 йиллар давомида ер участкалари олиб, уни муддатида қуриб битказа олмаган кишилар аниқланди ва уларга қурилиш материаллари билан ёрдам қилинди. Бу эса 1957 йилда 440 қурувчига уйларини тез битириб олиш имкониятини берди.

Райондаги завод ва фабрикаларда, артелларнинг коллективлари ўртасида горкийликларнинг ватанпарварлик ташаббуси кенг равишда қўллаб-қувватланди. Кўпгина ишчи ва хизматчилар янги йил байрамини ўз кучлари билан қуриб битказилган янги уйларда ўтказдилар.

СССР Олий Советига бўлиб ўтган кейинги сайловдан бери 4 йил вақт ўтди. Бу қисқа вақт ичида районда катта ишлар қилинди. Меҳнаткашларга транспорт хизмати кўрсатиш анча яхшиланди. 2- трамвай йўли икки изли қилиниб, унда трамвай ҳаракати тезлаштирилди. Саноат корхоналари билан шаҳар маркази ўртасида транспортларнинг қатнови яхши йўлга қўйилди. Янги ўзлаштирилган массивларда янги-янги уй-жой бинолари бунёдга келмоқда. Серқатнов кўчалар тўхтовсиз ремонт қилиниб, асфальтланмоқда. Посиров номли кўчадаги эски трамвай излари олиб ташланиб, кўчага асфальт ётқизилди. Шунингдек Пятигорский, Войтинцев каби кўчаларга ҳам асфальт ётқизилди. Ирригация шохобчаларини тартибга солиш, аҳолини тоза сув билан таъминлашда ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда. Кўп ерда сув колонкалари ўрнатилди. Кўчаларни электр чироқлари билан ёритишга эътибор тобора кучайтирилмоқда.

Яқин вақт ичида районимиздаги кўп кўчалар, чунончи Виктор Малясов, Уста Ширин кўчалари янада обод ва кўркам бўлади, кўкаламзорлаштирилади.

Район Совети сайловчиларнинг депутатлар билан учрашувларда берган наказларини тўла ҳисобга олиб, савдо-сотиқ ишларини яхшилаш ва унинг шохобчаларини кенгайтириш юзасидан зарур чораларни кўрянти. Кейинги уч-тўрт йил мобайнида қўшимча равишда ўнлаб савдо дўконлари очилди, улардаги молларнинг ассортименти анча кўпайтирилди. Лекин бу қилинаётган ишлар аҳолининг кундалик ўсиб бораётган талабини ҳали тўла қондиролмайди. Ҳали бу соҳада кўп ишлар қилишимиз керак.

Район Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси ободончиликка доир масалаларни ҳар тарафлама муҳокама қилиб, тегишли қарор қабул қилди. Сессия қарорига мувофиқ бу йил 1957 йилга қараганда қурилиш ишларини анча кўпайтириш кўзда тутилади. 23 кўча тўла асфальтланиб, 50 дан ортиқ кўчанинг тротуарларига асфальт ётқизилади. Бу эса ўтган йилга қараганда икки марта кўпдир.

Анча йиллардан бери қаровсиз ётган Шивли бозорининг территорияси ҳам шаҳарнинг гўзал ва гавжум ерларидан бирига айлантирилди.

«Победа» паркига кираверишдаги майдон янада чиройли бўлади. Паркда янги кинотеатр, сув станцияси ва бошқа объектлар қурилади. Умуман бу ерни ободонлаштиришга 3 миллион сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

СССР Олий Совети сайлови кунига саноқли кунлар қолди. Бу умумхалқ байрами кунини районимиз меҳнаткашлари янги меҳнат совғалари билан нишонлайдилар. Сайлов кунигача кўпгина маданий-маиший бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилади. Ҳар бири 100 ўринли бўлган 1 та болалар боғчаси ва битта болалар яслиси қурилиб битказилади.

Қорамурут, Батуми кўчаларида, ишчилар шаҳарчаларида қўшимча савдо дўконлари очилади. Икки залдан иборат бўлган кенг экранли кинотеатр биносини, болалар кутубхонасини тезда қуриб битказиш чоралари кўрилади. Мактаб, соғлиқни сақлаш муассасаларини қўлайтириш юзасидан катта ишлар қилинади.

Ишчи ва хизматчиларнинг уйларини газ билан таъминлаш масаласи ҳам ижроия комитетининг эътибор марказида турибди. Биринчи навбатда 1500 квартира газ билан таъминланади.

Районимиздаги саноат корхоналари кўплаб уй-жой бинолари қурадилар. «Узбексельмаш», ремонт-подшипник заводлари, пайпоқ-трикотаж, 1-тўқувчилик, тамаки фабрикалари йил охиригача 5000 квадрат метрдан кўпроқ уй-жой биноларини қуриб, фойдаланишга топширадилар. Горькийликлар ташаббусини қўллаб-қувватлаган районимиз меҳнаткашлари бу йил ўтган йилга қараганда тўрт баравар кўп уй-жой бинолари қурадилар.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, ободончилик масалаларида ҳали анчагина камчиликлар бор. Айниқса ариқ, кўча ва ҳовлиларни тоза тутиш кўнгилдагидек эмас. Кўп кўча ва тротуарлар ўз вақтида тозаланиб, сув сепиб турилмайди. Жамоат биноларини озода тутиш яхши йўлга қўйилмаган. Ҳаммом, кир ювиш каби маиший муассасалар етишмайди. Сўзсиз, бундай камчиликлар жамоатчиликнинг яқиндан актив ёрдами билан қисқа вақтда бартараф қилинади.

Районимиз меҳнаткашлари СССР Олий Совети сайловига тайёрланар эканлар, қилинган ишларга якун ясаб, келгуси ишларнинг режасини тузмоқдалар. Шубҳа йўқки, районимиз янада кўркам, пойтахтимизнинг энг гўзал, баҳаво ерларидан бирига айланади.

К. МУМИНОВ,
Тошкент шаҳар, Киров район ижроия комитетининг раиси.

Бу иш билан ким шуғулланади?

Қолхозимиз аъзоларининг жуда кўпи «Қизил Ўзбекистон», «Ёш ленинчи», «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталарининг актив ўқувчилари ҳисобланадилар. Ҳар биримиз 2-3 тадан газета ва журналга обуна бўлганмиз. Лекин бизда газеталарни келтириш ва обуначиларга ўз вақтида тарқатиш яхши йўлга қўйилмаган. Бу иш билан колхоз бошланғич партия ташкилоти ҳам етарли шуғулланмаётир. Колхоз почтальони Тўлаган Зоҳидов эса ҳушига келган кунлардагина 3-4 кунлик газетани бирданига тўплаб келтиради.

Биз бу ҳақда Оржоникидзе район алоқа бўлимига бир неча марта шикоят қилган эдик. Аммо бизнинг шикоятимиз ҳамон оқибатсиз қолмоқда.

Иляшев, Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхоз комсомол ташкилотининг секретари. **Муҳамадалиев, Иримметов, Султонов, Сулаймонов** колхозчилар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Рентгент кабинети очилсин"

Октябрь район касалхонаси беморларга медицина хизмати кўрсатишни йил сайин яхшиламоқда. Лекин касалхонада рентгент кабинети очилмагани катта қийинчилик келтираётир. Кўп вақтларда беморлар Тошкентга келиб рентгентда сёмка қилдириб кетадилар. Газетамизнинг шу йил 15 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа билан редакцияга хатлар рубрикаси остида босилган хабарда рентгент кабинети очиб бериш талаб қилинган эди.

Тошкент область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Ўртоқ Ҳошимовнинг редакциямизга хабар қилишича Октябрь район касалхонасига рентгент аппарати ўрнатиш чоралари кўрилган.

Барча техникани чигит экишга сифатли тайёрлаб қўяйлик!

Колхоз ва совхозларда пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгашида қабул қилинган мажбуриятлар қизғин маъқулланмоқда

☆ ☆ ☆ ☆

Механизация—ҳосилнинг калиди

Колхоз раисининг ўринбосари Юсуф Дадабоев Абдураим Калонов бошлиқ бригадага келганда колхозчиларнинг бир қисми ер текислаётган, иккинчи қисми эса трактор айлана олмаган дала чеккалари ва бурчакларини чопиб ерга қўшмоқда эдилар. Қўшни пайкалда ишлаётган бир группа колхозчилар ариқ ва зовурларнинг тупроғини суриб ер кенгайтирмоқдалар. Юсуф Дадабоев бригада бошлиғи Абдураим Калонов билан алланималар тўғрисида сўзлашди, блокнотига қандайдир сўзларни ёзиб олди, бригадирга нималарнидир уқтирди.

Тушки овқатга яқинлашмоқда эди. Бироздан кейин колхозчилар дала шийпонига йиғилишди. Ҳамма овқатланиб бўлган. Дадабоев ўрнидан турди ва чўнтагидаги газетани олиб гапга киришди.

— Кеча газеталарда ўртоқ Хрушчевнинг пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқи босилиб чиқди, уни радиодан эшитган бўлсаларингиз ҳам керак. Пахтакорларнинг Москвада бўлиб ўтган кенгашида жуда яхши гаплар айтилди. Пахта териш машинасини такомиллаштириш, пахта қуритиш ва тозалаш цехлари ташкил этиш, ғўзани катта майдонларда квадрат-уялаб ўстириш, мана шунақа хусус фойдали фикрлар ўртага ташланди. Сизларнинг ичингизда кексалар ҳам бор, ёшлар ҳам кўп. Кексаларимиз жуда яхши биларсиз, механизация деҳқонга қанчалик фойда берганлигини. Тракторлар янги келган пайтда «ўзи оғир, гилдираги катта экан, ерларимизни эзиб юборади» деб даласига трактор киритмаган кишилар ҳам бўлган. Мана ҳозир колхоз раиси бир кун кечикиб трактор юборса, жанжални кўраверинг...

— Мен нима демоқчиман, — газетани варақлар экан сўзида давом этди ўртоқ Дадабоев, — мен демоқчиманки, эндиликда ҳамма ишимизни трактор қилсин, десак бўладиган вақт келди. Тўғри, еримизни трактор ҳайдайди, эгат олиб берадиган ҳам трактор, ғўзамизни ҳам трактор ишлаб беради. Энди шу тракторни кўпроқ икки томонга қараб юргизсак — ғўзани кўндаланг, узунасига кўпроқ ишласак, мен ўйлайман кетмоннинг унча ҳожати бўлмай қолади. Қайси куни агитатор ўқиб берди, хабарларингиз бор. Шу, ўзимизнинг Тошкент областидаги Ўрта Осиё машина-синаш станциясининг механизатори ўртоқ Тюпко ёлғиз ўзи 25 гектар ердаги ғўзани ишлабди. Ўзи чигит экибди, ўзи культивация қилибди, азаматни қаранг, шу ерлардаги пахтанинг қарийб ҳаммасини машина билан бир ўзи териб олибди. Биз ҳозирча шу даражада иш қилолмасак ҳам лекин механизациядан ўтган йилларгадигига қараганда тўла, унумли фойдаланиш имкониятига эгамиз. Колхоз правлениеси жуда тўғри иш қилди, буни колхоз партия ташкилоти ҳам қўллаб-қувватлади. Мана сизларнинг бригадангиз шундай қилмоқчи. Илгари бригаданинг ери жуда кўп деганда 100 гектардан ошмас эди, сизларга колхоз 245 гектар ер ажратиб берди. Бригадага деҳқончиликни яхши билган агроном ўртоқ Абдураим Калонов юборилди. Звено бошлиқларининг ҳаммаси универсалчи, ғўзани кўндалангига ишлашда уста бўлиб қолган йигитлар. Демак бригада бошлиғи агроном, звеновойлар трактори, ишонч билан айтиш мумкинки, шу бригадада ҳосил етиштириш соҳасидаги ишларнинг 90 процентидан ортиқроғи машиналар билан бажарилади. Бригада бошлиғи ҳамма ерга чигитни 50х50 схемаси билан экамиз деб айди. Биз ўйлаймиз сизларнинг ер шароитларингизга шу схема жуда мос келади.

Юсуф Дадабоев ўртоқ Хрушчевнинг совет пахтачилигини янада юксалтириш тўғрисидаги нутқида баён этилган фикрларни колхозчиларга батафсил тушунтириб бериш учун ўз колхози ҳаётидан мисоллар келтириб қизиқарли суҳбат ўтказди. У колхозда бу йил трактор далачилик бригадалари ташкил қилинганлиги пахтачиликни комплекс механизациялаштиришда катта роль ўйнашини баён қилиб берди. Бу бригадалар чигитни 50х50, 60х60 схемаси билан экиб катта майдонлардаги ғўзани икки томонлама ишлаш, кетмон ишини кескин камайтириш, шундай қилиб, биринчилан колхозчиларни оғир меҳнатдан халос қилиш ва иккинчидан мўл ҳосил етиштиришни мўлжалламоқдалар. Шунинг учун бу бригадаларда ва колхознинг бошқа бригада ва звеноларида ерларни қўклам экишига тайёрлаш, квадрат-уялаб чигит экиш агрегатларида хизмат қиладиган кишиларни ўқитиб-ўргатиш қизғин давом эттирилмоқда. Бу йил ишлатиладиган трактор ва «универсал»лар тахт қилиб қўйилди. Барча сеялка ва борона, культиватор, мола сифатли ремонтдан чиқарилди. Шу кунларда колхозчилар ва механизаторлар фидокорона меҳнат қилиб ер текислаш, айрим теپаликларни бузиб пахта далаларини кенгайтириш учун астойдил курашмоқдалар.



Ўрта Чирчиқ районидаги Сталин номли колхозда хизмат қилаётган бульдозерчи ўртоқ Ф. Т. Стуликов ер текислашда кундалик нормасини ортиғи билан бажараётир. Доирада: ўртоқ Стуликов.
М. Шевелев фотоси.

Ҳосилни оширишда механизациядан кенг фойдаланиш билан бирга ерларга кўп миқдорда маҳаллий ўғит солиш ҳал қилувчи шартлардан эканлигини тўла тушунган пахтакорлар бу йил 10500 тонна маҳаллий ўғит жамғардилар, шундан 6 минг тоннага яқини далаларга олиб чиқилиб махсус чуқурларга кўмиб қўйилди.

Ҳосилни ошириш, пахта етиштиришни енгиллаштириш, пахтанинг таннархини камайтириш — биринчи навбатда механизациядан қай аҳволда фойдаланилишига боғлиқ эканлигини тўла тушунган Ўрта Чирчиқ районидаги Сталин номли колхознинг аъзолари бу йил 1050 гектар ернинг кўп қисмидаги ғўзани икки томонлама ишлаб кетмондан фойдаланишни ўтган йиллардагига қараганда камайтирмоқчилар. Улар механизация — ҳосилнинг калиди эканлигини тўла ҳис қилмоқдалар ва шу соҳадаги зарур тадбирларни тўла амалга оширмоқдалар.

Т. ЙЎЛДОШЕВ.

Ҳосилдорликни янада ошириш учун

Янги прогрессив усулни дадиллик билан қўлланган, агротехника қоидаларига амал қилган, илғорлар тажрибасидан кенг фойдаланаётган Октябрь районидаги Сталин номли колхоз аъзолари ўтган йили дуч келган об-ҳаво қийинчиликларини енгиб, 860 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 27 центнердан пахта топширдилар. Колхозчиларнинг ҳар меҳнат кунига 12,5 сўмдан пул, 3 килограммдан ғалла тақсимланди.

Коллектив бу йил гектаридан олинадиган ҳосилни ўтган йилгига нисбатан 6-7 центнерданга ошириш мажбуриятини олган. Шу мақсад билан далаларда қўклам экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Далага маҳаллий ўғит ташиб чиқаришда, суғориш шохобчаларини тартибга солишда ўзаро социалистик мусобақанинг роли катта бўлаяпти. Бу мусобақада Хайитбоев, Новрузқулов, Умбетов каби илғор бригада аъзолари олдинда бориб, бошқаларга намуна бўлаётирлар.

— Ўтган йили 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил олган эдик, — дейди илғор бригада бошлиғи ўртоқ Хайитбоев, — бу йил эса гектаридан олинадиган ҳосилни 3 центнерданга ошириш учун курашяпмиз.

Т. ИМОМОВ.

Бўлим ишчиларининг ғайрати

Булганин номли совхознинг 5-бўлим ишчи ва механизаторлари ўтган йили чигит экиш даврида йўл қўйилган қатор камчиликлардан тўғри хулоса чиқарганлари ҳолда бу йил қўклам экиш кампаниясига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. «Ўша йили пахта майдонлари ўз вақтида шудгор қилинмаганлиги, маҳаллий ўғит етарли даражада жамғарилмаганлиги, суғориш шохобчаларини тартибга солиш ишлари ҳаддан ташқари чўзилиб кетганлиги сабабли экиш даврида қатор қийинчиликларга учрадик» дейишади ишчилар.

Шу кунларда бўлим далаларида бўлган киши бутунлай бошқача манзарани кўради.

Илғор бўлимнинг 2, 3, 6-бригадаларида далага қўшимча равишда маҳаллий ўғитлар ташиб чиқарилмоқда. Х. Исоқов, Қ. Маматкаримов, А. Бўрибоев каби аравакашлар ғанимат фурсатдан тўғри фойдаланиб, бу соҳада бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

— Бу билан биз, — дейди ўша аравакашлар, — коллективимизнинг бу йил гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштирамиз деб, ўз зиммаларига олган мажбуриятларини ошириб бажаришлари учун муносиб ҳисса қўшямиз.

Р. НОРЧАЕВ.

Ипак қурти боқишга пухта тайёрланайлик

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг барча қишлоқ хўжалик ходимларига қарата чиқарган Мурожаати колхозчилар ва совхоз ишчиларини янги меҳнат ғалабаларига руҳлантирмоқда. Бу Мурожаатдан илҳомланган қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахта билан бир қаторда бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ялпи ҳосилини ошириш учун ҳам астойдил курашаётирлар. Улар партия ва ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбирларни муваффақиятли ҳал қилиш учун курашиб, ўзаро социалистик мусобақани кучайтираётирлар, мавжуд резервларни қидириб топиб, хўжаликнинг барча тармоқларини комплекс ривожлантириш йўлларини белгилаб чиқмоқдалар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришнинг манбаларидан бири — пилланинг ялпи ҳосилини оширишдир. Лекин, эътироф қилиш керакки, бизда қишлоқ хўжалигининг бу муҳим соҳасига шу кунга қадар етарли эътибор берилмай келинаётир. Бир қатор колхоз ва совхозларда ипакчиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга ҳам ҳафсаласизлик билан қаралмоқда. Тут дарахтларини парвариш қилиш ва ундан фойдаланиш ёмон аҳволда. Шунингдек, жойларда юқори ҳосилли оқ пилла қурти боқишга оммавий равишда ўтилмаётир. Шунинг учун ҳам пилладан жуда кам ҳосил олинмоқда.

Паркент, Октябрь, Чиноз, Ўрта Чирчиқ, Ўртасарой районларида бу соҳада йўл қўйилаётган камчиликлар фикримизнинг исботи бўлаолади. Бу районларнинг раҳбарлари, колхоз раислари ипакчиликни ривожлантириш ишига иккинчи даражали иш сифатида қарайдилар. Шунинг учун ҳам ипак тайёрлашда жуда паст кўрсаткичларга эришилади. Ўтган йили областимиздаги 271 колхоздан фақат 30 тасидагина ҳар қути қурт уруғидан 50 килограммгача етказиб ипак ҳосили олинди. Қолган колхозларда эса пилла ҳосили камайиб кетди. Илғор колхозлар эса ҳар қути қурт уруғидан 70-80 килограммдан ошириб ипак ҳосили етиштирдилар. Оқ пилла қуртини усталик билан боқиб, унинг ҳар қутисидан 100 килограммдан ошириб ҳосил олган моҳир пиллачилар бизда оз эмас. Пискент районидагы Ворошилов номли колхоз аъзоси Маҳбуба Ғиёсова, Сталин номли колхоз аъзоси Тилла Мирҳўжаева, Калинин районидаги Сталин номли колхоз аъзолари Мавжуда Қаҳҳарова, Ҳанифа Абдуназимовалар, Ўртасарой районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси Ҳамат Сойбназарова каби ўртоқлар бунга мисол бўлаолади.

Юқоридаги колхозларнинг моҳир пиллачилари иш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, агар пилла қурти боқиш иши тўғри ташкил этилиб, мавжуд имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланилса, областимиз колхоз ва совхозларида ипак ҳосили тайёрлашни икки-уч ҳисса кўпайтириш, хўжаликнинг бу тармоғи ҳисобига ҳам мўл даромад олиш мумкин. Бунинг учун эса кўплаб тут дарахтлари кўчатларини ўтқазиш, шу йилнинг баҳоридаёқ илгариги эски тут майдонларини қайта тиклаш ҳамда барча колхоз ва совхозларда оқ пилла қурти боқишга ўтиш керак. Шундай қилингандагина 1958 йилда давлатга 900 тонна юқори сифатли ипак ҳосили топшириш юзасидан белгиланган вазифани муваффақиятли бажара оламиз. Бу ишга ҳозирдан бошлаб киришиш керак. Февралнинг қолган кунларидан ва март ойидан унумли фойдаланиб, тут дарахтлари атрофини чопиб, ерни юмшатиш, ҳамда шўрини ювиш ва тупроқда нам сақлаб қолиш мақсадида запас суғориш талаб қилинади. Юқорида белгиланган тадбирлар ўз вақтида амалга оширилса, тут дарахтлари барг ҳосилини кескин ошириши мумкин бўлади.

Баҳорги қурт боқишга пухта тайёргарлик кўриш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга ошираётганда эски ва янги тут дарахтлари майдонларига кўчат ўтқазиш планининг бажарилишига албатта эришиш керак.

Колхоз ва совхозлардаги тут дарахтларини сақлаш ишига ҳам алоҳида аҳамият бериш зарур, тут дарахтлари қирқилиб, шохлари синдирилмасин. Шундай ҳоллар рўй берганида эса айбдорларга нисбатан ўз вақтида қаттиқ чора кўриш талаб қилинади.

Суғориладиган ерлардан максимал равишда фойдаланиш учун тутзорларда қатор ораларига пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик ўсимликлари экиш тавсия қилинади.

Мўл пилла ҳосили етиштириш юзасидан белгиланган топшириқнинг муваффақиятли бажарилиши ана шу тадбирларнинг тўла амалга оширилишига, баҳорги қурт боқишга пухта тайёргарлик кўришимизга боғлиқ. Партия, совет ташкилотлари колхоз ва совхозларда қурт боқиладиган хоналарни ҳозирдан бошлаб белгилаб қўйишлари ва уларни керакли асбоб-ускуналар билан таъминлашлари керак. Бунда ҳар қути қурт уруғи боқиладиган хонанинг камида 30 квадрат метр ҳажмда бўлиши шарт. Бу хоналар печь ҳамда зарур бўлган тақдирда қўшимча сўкчаклар ўрнатиш учун қулай бўлсин.

Ўтган йилларнинг иш тажрибаси шуни кўрсатдики, қурт боқишда агротехника қоидаларига амал қилган хўжаликлар мўл ҳосил етиштирдилар. Илғор пиллачиларнинг тажрибаларини диққат билан ўрганиш ва уни кенг оммалаштириш ҳозирги кунинг муҳим вазифаларидандир.

Колхозчилар, совхоз ишчилари ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб, пилладан мўл ҳосил етиштириш юзасидан белгиланган топшириқни муваффақиятли бажариш учун баҳорги қурт боқишга ҳозирдан бошлаб пухта тайёрланишлари керак.

В. ФАДЕЕВА.

Тошкент область партия комитетининг инструктори.

Институт филиалида

Ўрта Осиё политехника институтининг Чирчиқ шаҳридаги филиали студентлари қишки имтиҳонларни муваффақиятли якунладилар.

Филиал ўтган йили ишга туширилиб, 126 студент қабул қилинган эди. Институтнинг химия, электроэнергия, қурилиш ва механизация факультетларининг рус ва ўзбек группаларида машғулотлар қизғин бораётир.

Шуниси характерлики, бу институтда ўқиётган студентларнинг кўпчилиги шаҳардаги саноат корхоналарида ишлайдилар. Улар назария билан тажрибани бирга қўшиб олиб борадилар.

52 йигит-қиз қишки имтиҳон сессияси даврида имтиҳон топшириб яхши кўрсаткичларга эришганликлари учун институтга қабул қилиндилар, «Ўзбекхиммаш» заводининг парматовчиси Е. Смирнов, химкомбинат аппаратчиларидан Н. Исматов, М. Чингаева ўртоқлар машғулотларга актив қатнашиб, имтиҳонларда аъло баҳо олдилар.

Социалистик саноат шаҳри Чирчиқда олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлайдиган муассасанинг ташкил этилиши қувончли воқиадир. Бу ердаги ёшларнинг кўпи ҳам ишлайди, ҳам олий маълумот олади.

Ф. УСМОНОВА.

Темир йўл институтида

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтида қишки имтиҳон сессияси қизғин давом этмоқда.

Институт кафедраларида студентлар учун системали равишда консультациялар ўтказилмоқда. Олий математикадан М. Кучмир, В. Бочкарева, физикадан П. Якобсон, М. Исмоилов, А. Мақсудов, графикадан В. Белогужев, Е. Бобруйко, Л. Кутанова каби ўқитувчилар консультациялар ўтказаётирлар.

Механика, қурилиш, эксплуатация факультетларининг фан, тажриба кабинетлари ҳар доим студентлар билан гавжум. Институт кутубхонаси, ўқиш хоналари ҳам студентлар хизматида.

Студентлар қулай шароитлардан яхши фойдаланиб, имтиҳонларни муваффақиятли топширмоқдалар. Эксплуатация факультетининг студентларидан Аҳмедов, Мамбетов, Назаров, Мирзаахмедов, Шарипов, Мацкельс, Ходназаров ўртоқлар физика, математика, станция ва узел, транспорт иқтисоди ва бошқа фанлардан ўтказилган имтиҳонларда яхши кўрсаткичларга эга бўлдилар.

Ишлаб чиқаришда икки йил ишлаб, бу йил олий ўқув юртига кирган П. Холмирзаев, Паламарчук, С. Галямов каби студентлар марксизм-ленинизм асослари, математика, физика фанларидан юқори баҳо олдилар.

А. САЙДАМИНОВ.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

Меҳнат ва натижа

Ёзувчи ҳаёт куйчисидир. Унинг асари эса ҳаётлаги воқиа-ҳодисалар, ўзгаришларнинг акс садосидир. Шоир Қуддус Муҳаммадийнинг «Танланган асарлар»и[1] ҳам ана шундай садолирки, китоб саҳифаларини варақлаганингизда фаровон турмушимиз, гўзал ватанимиз, жонажон Коммунистик партия, бахтиёр ёшлигимизнинг поэтик мадҳи жаранглайди, мазмундор ҳаётимизнинг жўшқин нафаси юзга урилади.

Тўпламдаги асарларнинг тематикаси ранг-баранг бўлиб, уларда она-Ватанга, Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимизга чексиз муҳаббат, садоқат, улуғ рус халқининг оғаларча ёрдамидан миннатдорчилик бўртиб туради. Зотан шоир қалбига илҳом, қўлига қувноқ соз берган ҳам коммунистик партиямиз, беғоён ватанимиздир. Шоир ўз миннатдорчилигини изҳор этар экан, қаҳрамонлари тилидан бундай дейди:

Партиям бор, бахтим бор,
Москва пойтахтим бор,
Кенг Совет давлатим бор,
Меҳнатим, роҳатим бор,
Жонажоним партиям!
Шараф-шоним партиям!

Улуғвор, беғоён совет Ватани, пахтакор Ўзбекистон, унинг беҳисоб бойликлари, гўзал табиат манзаралари, республикамизнинг меҳнатсевар кишилари, уларнинг ватанпарварликлари шоир учун битмас-тўганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади, мадҳ этиш учун шоирни ундайди.

Шоир ўз шеърларида совет болаларининг бахтиёр, қувноқ ҳаётини кўрсатишга киришар экан, болалар ҳаётининг турли томонларини очиб беришга, поэтик мадҳ, бадиий умумлашмалар орқали социалистик она-Ватанни севишга даъват этади. Қуддус Муҳаммадий асарларининг характерли хусусиятларидан бири шундан иборатки, автор ўз асарларида болалар психологиясини ҳаққоний, ҳаётий, жозибали қилиб кўрсатиб бера олади. Шоир «Улуғ байрам» шеърида ота ва қиз ўртасидаги муносабат орқали совет кишиларининг ватанпарварлик ҳис-туйғусини ифода этган бўлса, «Гулсаранинг меҳри» шеърида кампир билан набира ўртасидаги иззат-ҳурмат, самимий муносабатни тасвирлайди.

Шоирнинг бир қанча шеъри ўқишўрганиш, илм-фанни эгаллаш, мактаб-илм манбаи темаларига бағишланган. Бу темадаги шеърларнинг асосида илм-фанни эгаллаш ғояси ётади. Бунинг учун чидам, сабот, қунт кераклиги уқтирилади.

Қуддус Муҳаммадий асарлари кўздан кечирилганда у фақат шоир сифатида эмас, балки педагог сифатида ҳам кўзга ташланади. Бу ҳол совет дидактикаси принципларини талқин этишда сезилади. Шоир болаларни тўғриликка, ростгўйликка, ўзгаларнинг мулкига кўз олайтирмасликка чақиради. Бу ўринда шоирнинг «Устозингга раҳмат» шеърини қайд этиш керак.

Тўпламдаги шеърларнинг аксарияти асосида меҳнатсеварлик, коллективизм, дўстлик, аҳиллик ғояси ётади. Бу ғоя кўтаринки руҳ билан тараннум этилади. Шоирнинг «Капалак билан асалари», «Болари», «Виз, виз» каби шеърлари бунинг далилидир. Автор «Капалак ва асалари» шеърида ўйинқароқ капалак ва меҳнатсевар асаларилар суҳбатини тасвирлайди. Ўйин-кулгига ружу қўйган капалакнинг:

Иш бўлса бўлар ахир,
Беш кун даврон ўтмасин.
Ўйнаб-кулиб қолайлик
Ўлим-етим бўлмасин, —

деган мурожаатига жавобан асалари бундай дейди:

Ҳалемай қиш ҳам яқин,
Тайёрлик керак пича.
Дам олиш ҳам ёмонмас,
Чарчайсан уча-уча.
Ўйин-кулги ҳамма вақт
Вақтинг бўлса қочмайди.
Қиш совуқ-изғиринда
Ҳеч ким эшик очмайди.

Шоир келажагини ўйламай, енгил ҳаёт кечиришга, меҳнатсиз яшашга одатланганларни капалак орқали, роҳатни меҳнатдан топганларни, эртанги ҳаётнинг бугунигидан ҳам гўзал, фаровон бўлиши учун курашувчиларни асалари образи орқали кўрсатади.

Қуддус Муҳаммадий ҳаётда юз бераётган воқиалар билан қизиқувчи, болаларнинг тушунчасини бойитишга интилган шоирдир. Шунинг учун ҳам шоир асарларининг темаси ранг-баранг, ифода этиш приёмлари ҳар-хилдир. Тўпламдаги асарларда китобхонларни доимо янгилик сари интилишга даъват этиш нидоси янграб туради. Шоир «Сандал ва печка» шеърида турмушимизда ҳали ҳам мавжуд бўлган айрим қолоқ иллатларни танқид қилади. Автор сандал билан печкани бир-бирига қарама-қарши қўяди ва бу қарама-қарши қўйиш орқали печканинг афзалликларини кўрсатиб, тоза, кўнгилли, ёқимли уйда яшашни пропаганда қилади. «Ўз-ўзини танқид» шеърида китоб, дафтар, қалам, портфель, парта ва деразалар Юнус. Аҳмад ва Ҳол сингари ўйинқароқ, шўх болалардан шикоят қилса, «Тутмача» шеърида ўзининг усти-бошига қарамайдиган Ғайрат устидан зўрланади. Шоир бу шеърларда турли предмет ва киши организмлари ёки парранда, ҳайвонлар суҳбати орқали фикр баён қилиш приёмидан усталик билан фойдаланади, бу эса асар мазмунини тез англаб олиш имконини беради. Ўқувчи хотирасида узоқ сақланиб қолади. «Равшанжоннинг қўли тилга кирди» шеъри ҳам ана шу руҳда ёзилган шеърлардандир. Бу шеърда озода ва тартибли бўлиш тарғиб қилинади.

Тўпламда «Мен чайир тўнкани қандай ёрганман», «Аҳмаджоннинг китобхонлиги», «Аҳмаджонга уят», «Ўқувчига қисқа ҳикоя», «Беш», «Баҳолар пойгаси», «Ҳарфлар ўйини», «Тешанинг бузоғи нега сузаён бўлди» сингари ўқимишли, мароқли шеърлар, «Дунёда энг кучли нима?» поэмаси борки, буларда зўрма-зўракилик, ортиқчалик, ўқувчини толиқтирадиган моментлар йўқ. Мисралар равон, мақсад аниқ, бадиий пухта.

Тўпламда мактабгача тарбия ёшидаги болаларга мўлжалланган ёзилган ажгачина шеър бор. Бу шеърлар олинган темаларнинг ихчам, содда, аниқ очиб берилиши, вазнларнинг ўйноқилиги, қофияланиш тартиби, фикрнинг лўнда лиги билан характерланади. Шоирнинг «Хўрозим», «Тойчоғим», «Бўталоқ», «Лайлак» каби шеърлари ана шулар жумласиндандир. Шоир хоҳ хўроз, хоҳ лайлак, хоҳ тойчоқни тасвирласин, барибир уларнинг ўзига хос сифатларини болалар тушуна оладигандек тилда содда, равон қилиб кўрсатади. Масалан, «Бўталоқ» шеърини олиб қарайлик:

Туя бола-бўталоқ,
Чопиб отар шаталоқ,
Ширмой кулча думалоқ,
Бўталоқжон, бўталоқ,
Ҳадеб отма шаталоқ,
Бўлсин бир ер қатқалоқ
Ердан ема шапалоқ.

Шоир атайлаб бўталоқ, шаталоқ, думалоқ, қатқалоқ, шапалоқ сингари оҳангдор сўзларни танлаб ишлатадики, бу эса болалар нутқининг тез ўсишига ёрдам беради, бу шеърларни ёдлаб олишга қулайлик туғдиради.

Маълумки ўтмишда яратилган халқ эртакларининг асосини афсоналар ва шу афсоналарда ифода этилган халқ орзу-умидлари, интилиши, қараш лари ташкил этар эди. Ўтмишда халқимиз қилган орзу-умидлар социализм ғалаба қозонган бизнинг мамлакатимизда совет ҳокимияти йилларида рўёбга чиқди, чиқмоқда. Шунинг учун ҳам эндиликда бу эртакларнинг характери, мазмуни ўзгарди. Бу эртакларнинг асосини замонавий темалар эгаллади. Шоирнинг «Қўнғизой билан Сичқонбой», «Бир ўзбошимча чумчуқ ҳақида» сингари эртаклари ана шундай асарлардир. Қуддус Муҳаммадий «Қўнғизой билан Сичқонбой» эртагида турмушимизда ҳали ҳам мавжуд бўлган айрим ярамас иллатларни фош этади. Шоир Қўнғизой образи орқали софдил, меҳнаткаш, пок, аҳлоқли хотин-қизлар образини яратса, Сичқонбой образи орқали жамиятда ўз ўрнини белгилай олмаган беқарор, тайинсиз, енгил табиат кишиларни фош этади. Шоир «Бир ўзбошимча чумчуқ ҳақида» эртагида меҳнат, коллективизм ғоясини олга суради. Шоир кўплашиб ин қуришга киришган чумчуқлар тўпидан ажралиб, ўзича ҳаёт кечирмоқчи бўлган чумчуқча образи орқали эгоизм, индивидуализм, ўжарлик, ўзибилармонлик, меҳнатга паст назар билан қараш, ишёқмаслик каби нуқсонларни очиб ташлайди.

Юқорида қайд этилганлар шубҳасизки, шоирнинг бадиий маҳоратини, унинг талантини кўрсатади, ижодий камолат сари кўтарилаётганидан далолат беради. Бироқ бу, шоир ижодида ҳеч қандай камчилик йўқ деган гап эмас. «Танланган асарлар» ичида китобхонлар ҳазм қила олмайдиган, уларнинг жигига тегадиган бадиий бўш, мазмунан саёз асарлар ҳам бор. Бу нуқсон аввало шоирнинг лиро-эпик асарларида очиқ кўринади. Шоир лиро-эпик асарларида лирик шеърларидаги каби сўзларни танлаб ишлатмайди, аксинча сахийлашиб кетади, зўрма-зўраки чўзиб юборади. Бунинг натижасида катта ҳажмдаги асарларда тасвирга нисбатан тавсиф кўп ўринни эгаллаган. Бу ўринда «Тенгтаксой», «Эркинжон ойга чиқибди» асарларини қайд этиш мумкин.

Шоир адабиётимизнинг традицион хусусиятига — қиссадан ҳисса чиқаришга баъзан бефарқ қарайди. Бунинг натижасида кўпгина шеърларнинг якунланиш приёми бир хилда бўлиб қолган, бу ҳол эса ўқувчини ўйлаш, мулоҳаза юритиш, қиссадан ҳисса чиқариш ҳуқуқидан маҳрум этиб қўйган. Шоир «Сарол сизга болалар» шеърида болаларга «Не учун ўқиймиз биз?» деб савол берадиган, уларнинг жавобини бермасдан ўзи жавоб беришга киришади. Ҳолбуки болалар жавоб берса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тўпламда тасвир приёмлари жиҳатидан бир-бирининг такрори бўлиб қолган шеърлар ҳам бор. Шоир бу хилдаги шеърларда бирор бир предметни олади-да, унинг яратилиш процессини бирма-бир очиб беради. Шоирнинг «Этик» ва «Китоб» шеърларида бу ҳол равшан кўзга ташланади. Шоир «Этик»да этикнинг этик бўлишгача бўлган процессини кўрсатганидек, «Китоб»да ҳам худди ана шу процесни тасвирлайди. Бу шеърларнинг бири оригинал бўлса, иккинчиси копия сифатида ўқувчига ҳеч нима бермайди.

Қуддус Муҳаммадий «Қоравойнинг шу иши тўғрими?» шеърида кутубхона китобини йиртиб кўйган Қоравойни бошқа қаҳрамонлари тилидан танқид қилади, бироқ бу танқиддан кейин Қоравойдаги ўзгаришларни — у тарбияландиги-йўқми, буни эътибордан четда қолдиради. Шунинг учун китобхон шеърни ўқиганда бирор хулоса чиқариб олишга қийналади. Шоир «Раҳимани танийман» шеърида айрим нотўғри фикрларни ҳам ифода этади. Шеърда Раҳимани уятчанлиги ва бунинг натижасида унинг паст баҳо олиши кўрсатилиб бундай дейилади:

Шундай қилиб у куни
Тарихдан ҳам йиқилди.
«Беш» ўрнида «уч» олиб —
Ўзига таъсир қилди.

Шоирнинг талқинича ўқувчи «уч» олса у «йиқилган» ҳисобланади. Ҳолбуки «уч» олса таъсир қилиши мумкин, лекин бу бирор фандан йиқилди деган маънони билдирмайди.

Бир темада бир неча шеър ёзиш шоирнинг талантини кўрсатади, албатта, лекин китобхонларга, айниқса ёш китобхонларга бир темада бир неча шеър тақдим этиш унча мақбул эмас. Чунки бу хилдаги шеърларнинг бир-иккитаси ўқувчида яхши таассурот қолдириши, унга маънавий озиқ, эстетик завқ бериши мумкин, аммо қолганлари эса такрор сифатида ҳафсаласини совутади. Ҳар қандай ўқувчи ҳам қайтариқни ёқтирмайди. Бу хилдаги шеърлар тўпламда анчагина топилади. «Ленин бобом сўзларини ўрганамиз», «Сен туғилган кун», «Шоир», «Ризабобо» ва «Кузак» шеърлари бадиий жиҳатдан бўш. «Кузак» шеърининг қофияланиш тартиби бузилган. Унда жуфт қофияланиш ҳам, чатишма қофияланиш ҳам, зўрма-зўраки қофияланиш, ҳатто қофияланмаслик ҳоллари ҳам учрайди. Бу шеър оҳангдорлигини йўқотиб, унинг бадиий савияси, мусиқийлигига путур етказган. Шеърларда «Конлар қазиш», «Мичурин бобом» сингари терминлар керагидан ортиқча қўлланилган.

Тўпламда кечки ишчи ёшлар, махсус ҳунар мактаблари, болалар тажриба станциялари, ишлаб чиқаришдаги ёшлар ҳаёти ва бошқа кўпгина ўз ифодасини топмаган темалар борки, ҳозиржавоб шоир Қуддус Муҳаммадий бу темаларга ўз ижодида етарли ўрин беради.

Қуддус Муҳаммадийнинг «Танланган асарлар»и қайд этилган камчиликлардан қатъий назар, ўзбек китобхонларига, айниқса болаларга қилинган ажойиб салмоқли совғадир. Китобхонлар тўпламни ўқир экан лар, севимли болалар шоири Қуддус Муҳаммадий билан ҳақли равишда фахрланадилар, унга янги ижодий муваффақиятлар тилайдилар.

Сами РАҲИМ.

[1] Қуддус Муҳаммадий «Танланган асарлар», ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент — 1957 йил. Редакторлар: И. Муслим, Қ. Ҳикмат.



Чилонзор массивининг қиёфаси кун сайин ўзгариб бормоқда. Бу ерда сўнгги қисқа вақт ичида бир нечта кўп қаватли уй-жой бинолари қад кўтарди. **Суратда:** шу массивда қурилаётган янги уй-жойлар. **М. Турсунхўжаев** ва **Р. Рустамов** фотоси.

Биласизми?

◆ Бундан қарийб 500 йил илгари Христофор Колумба бошлиқ денгизчилар ўзларига бегона бўлган Америка қирғоғига тушганларида қандайдир бир ўсимликнинг узун поясини кўриб ҳайратда қолганлар ва уни диққат билан кўздан кечирганлар. Айниқса улар сўтага зич теришиб олган йирик донларни кўриб, ҳайрон бўлганлар. Улар бу ўсимлик донидан ўз ватанларига олиб келадилар. Бу ўсимлик ўша маҳалгача Европада маълум бўлмаган жўхори эди. Америкадан келтирилган бу ўсимлик Испан-Италияда тез тарқалади. Болқон ерлари ва Туркияда жўхори етиштириш расм бўлиб қолади. Ниҳоят, XVII асрда жўхори Россияда ҳам ўстирила бошлайди.

◆ Кунгабоқар Европага XVI асрда Мексикадан олиб келинган. Орадан икки юз йил ўтгач, у Россиянинг жанубий районларига тарқала бошлайди. Бироқ кунгабоқарнинг таркибида мой борлиги 1835 йилда Воронеж губернасининг Алексеевка қишлоғида яшовчи деҳқон Бакарев томонидан кашф этилган.

◆ Чой Европага португалиялик денгизчилар томонидан 1917 йилда Хитойдан олиб келинган. Россияда эса чой XVII асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлган.

Область алоқа бошқармаси—Бутуниттифоқ социалистик мусобақа ғолиби

Тошкент областининг шаҳар ва районларидаги алоқа конторалари фаолиятига раҳбарликни кучайтириш ва уларнинг ишини тубдан яхшилаш мақсадида 1956 йилда область алоқа бошқармаси ташкил қилинган эди. Шу ўтган давр ичида бошқарма жойлардаги алоқа органлари ишига оператив раҳбарлик қилиш билан бирга уларга яқиндан амалий ёрдам кўрсатиб келди. Натижада областда алоқа ишлари бир мунча яхшиланди. Шунингдек эҳолига алоқа воситалари хизматини янада яхшилаш мақсадида бир қанча алоқа бўлимлари ташкил этилди.

1956-1957 йилларда областда ҳаммаси бўлиб 45 та янги алоқа бўлими очилди. Янгиер шаҳар алоқа конторасн, Тошкент қишлоқ районининг Назарбек қишлоғидаги алоқа конторасн ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўтган йили 50 колхоз ва қишлоқ советлари телефонлаштирилди. 22 колхозда янги радиоузеллар қурилди. 16 мингдан ортиқ хонадонга радиоточкалари тушнрилди.

Бошқарма коллективи Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, йиллик давлат планини муддатидан илгари 103,3 процент қилиб бажарди.

Аҳолига хизмат кўрсатишни намунали йўлга қўйгани ва IV кварталда юқори кўрсаткичларга эришиб Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққани учун область алоқа бошқармаси СССР Алоқа министрлиги ҳамда Автомобиль, тошйўллар ва алоқа ходимлари Иттифоқ касаба союзининг кўчма Қизил байроғини ва биринчи даражали пул мукофотини олишга муваффақ бўлди. Яқинда Тошкент Марказий телеграф клубида ўтказилган тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССР Алоқа министри ўрток М. А. Шарков ғолиб коллективга кўчма Қизил байроқ топширди.

Шу кунларда алоқа бошқармаси коллективи бу ютуқларни янада мустаҳкамлаш мақсадида СССР Олий Советига ўтказиладиган сайлов шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, филокорона механат қилмоқда. План ой сайин ортиги билан бажарилмоқда. Чирчиқ, Сирдарё, Янгийўл ва Оҳангарон каби шаҳарларда шу йилнинг ўзида янги алоқа бўлимлари очилди.

Шунингдек, областдаги барча сайлов округлари ва сайлов участкалари телефонлаштирилди ҳамда радиоточкалар ўрнатилди.

А. ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент область алоқа бошкармаси почта бўлимининг бош инженери.

Ўқувчиларнинг севимли газетаси

Мирзачўл районидаги 13-мактабда чиқадиган «Аълочи» деворий газетасининг ҳар бир сонини пионер ва ўқувчилар зўр қизиқиш билан қарши оладилар. Чунки, газета ўқувчилар севиб ўқийдиган турли темадаги хабарларни ёритади. Унинг таҳририй бўлими айниқса эътиборга сазовордир. Содир бўлган камчиликлар рўй-рост очиб ташланади, прогулчи, лангаса, дарслардан ялтироломвчилар сатирик қамчи остига олинади, бундай қолоқларнинг башаралари усталик билан чизилган карикатураларда ифодаланади. Бу, газетанинг ўқувчилар ўртасидаги таъсир кучини оширишга ёрдам бермоқда. Ўқувчилар ўз газеталарини иштиёқ билан «мактаб ойнаси» деб атайдилар.

Газетада Бойқўзи Сувонов. Илвера Шеҳамедова каби аълочилар ўзларининг шеър ва хабарлари билан тез-тез қатнашиб турадилар.

Мактаб комсомол ва касаба союз ташкилоти деворий газетани мазмунли қилиб чиқаришда редколлегияга яқиндан ёрдам бериб келаётирлар.

Ш. МАЪРУФБОЕВ.

САНЪАТ КУНДАЛИГИ

„Ёшлар байрами“

Москва область Давлат филармониясининг артистлари пойтахтимизга гастролга келдилар. Улар Тошкент меҳнаткашларига махсус тайёрланган программада тамоша кўрсатмоқдалар.

Санъаткор коллективнинг ўзбек Давлат эстрадаси биносида намойиш қилган «Ёшлик байрами» деб аталувчи эстрада тамошаси композицион тузилиши жиҳатидан ҳам, ундаги номерларнинг ижро этилиши жиҳатидан ҳам ҳаммага манзур бўлаётир.

«Чет эл юмори» деган интермедия коллективнинг бадиий сўз усталари группаси томонидан жуда таъсирли ҳамда тушунарли бажарилди. Ҳазил рақс ва лапарларни ўз ичига олган воқиабанд номерлар ҳам жонли ижро этилди. «Фестиваль карнавали», «Дўстлар учрашуви», «Келинг, дўстлашайлик», «Дўстлигимиз абадий» сингари номерларда жаҳон ёшлари ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва ҳамкорликнинг улуғ кучи янада ёрқин ифода этилган.

«Ёшлик байрами» композицияси тамошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

Колхозчилар миннатдорчилиги

Ўзбекистон радиоси халқ чолғу ансамбли ва солистларининг коллективи Оржоникидзе районидаги Оржоникидзе номли колхозни оталикка олиб, бир неча марта колхозчиларга концерт қўйиб бердилар.

Яқинда Оржоникидзе номли колхоз клубида бўлиб ўтган концертда солистлардан Ориф Алимахсумов, Карим Мўминов. Жамила Қаландарова ва Ўзбекистон халқ ҳофизи Ортиқхўжа Имомхўжаев ва бошқа санъаткорлар қатнашдилар.

Концертга қўшни колхозлардан ҳам тамошабинлар келдилар.

Н. ҚАЮМОВ.

Қисқа сатрларда

✦ **Гулистон.** Райондаги Калинин номли колхозда янги типда иккита молхона, устахона, 15 машина ва бир неча тракторга мўлжалланган гараж бинолари қурилиши тугалланди. «Красний Восток» колхозида ҳам 46 та янги типдаги икки хонали уй-жой ва бир қанча жамоат бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ж. Турдиев,
А. Умматов.

✦ **Октябрь.** Район маркази ва 4-ГЭС маршрути бўйича янги пассажир автобуси қатнай бошлади. Натижада «Ўзбекистон», Энгельс номли ва Тельман номли колхозлардан район марказига қатновчилар учун катта қулайлик туғилди.

Т. Жўрабоев.

✦ **Сирдарё.** «Коммунизм» колхозида 750 тоннага хизмат қилувчи радиоузел қурилиб, ишга туширилди. Бу радиоузелдан район марказидан узоқ бўлган колхозлар ҳам фойдаланмоқда.

К. Жабборов.

✦ **Бекобод.** Райондаги Навоий номли 29-ўрта мактабда теплица қурилиши тугалланди. Ҳозир ўқувчилар янги теплицада эртаги сабзавот маҳсулотлари етиштирмоқдалар.

М. Аҳмедов.

✦ **Қорасув.** Бу ерда янги поликлиника биноси қурилиб, ишга туширилди. У, битта кенг зал ва бир неча хонадан иборат бўлиб, зарур медицина ускуналари билан жиҳозланди. Поликлиника ҳузуридаги терапия, тиш даволаш ва бошқа бўлимлар ҳозир меҳнаткашларга намунали хизмат қилмоқда.

С. Муҳитдинов.

✦ **Тошкент.** Райондаги Куйбишев номли колхозда ўрта мактаб учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мактаб қурилишига колхоз правлениеси яқиндан ёрдам берди. Мактабда ўқувчиларнинг билим олишлари учун барча имкониятлар яратилган.

Ғ. Абдуллаев.

Бирлашган Араб Республикаси

СПРАВКА

<>

Араб шарқи халқлари ҳаётида муҳим воқиа юз берди: ўз составига Миср ҳамда Сурияни бирлаштирган Бирлашган янги давлат—араб республикаси ташкил этилди. Миср ва Сурияда 21 февраль куни ўтказилган плебисцитнинг якунлари президент Жамол Абдил Носир бошчилигидаги янги давлат тузилганлигини расмийлаштирди.

Бирлашган араб республикаси мустақил, демократик ва суверен давлат ҳисобланади. Миср ва Сурия ўртасида иттифоқ тузилганлиги ҳақидаги декларацияда президент бошчилигида демократик идора қилиш системаси ўрнатилганлиги таъкидлаб кўрсатилади. Республикадаги ижрочи ҳокимият давлат бошлиғининг қўлида бўлади. Бирлашган араб республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият ягона парламент томонидан амалга оширилади. Янги республиканинг ягона байроғи ва ягона армияси бўлади. Ушбу ҳужжатда Бирлашган араб республикасининг мақсади барча араб халқларини жипслаштиришдан иборат ва унга араб мамлакатларининг суверенитетини мустаҳкамлаш ҳамда мудофаа қилиш учун иттифоқ ёки федерация формасида кўпилишни хоҳловчи ҳар қандай араб давлати учун эшик очиқдир деб тантанали равишда айтилган.

Президент Носирнинг айтишича, Сурия ва Мисрнинг араб халқлари улуғ ва кучли янги мамлакат барпо этишни хоҳлаганликларини изҳор қилдилар. Бу мамлакатнинг мақсади унинг халқлари томонидан белгиланади. Маълумки, араб мамлакатларининг кўпчилик халқлари бир неча аср давомида Усмон империясига бўйсиниб келдилар. Кейинги вақтда араб шарқининг кўпчилик мамлакатлари ғарб давлатларининг империалистлари томонидан босиб олинди. Фақат ҳозирги шароитда араб мамлакатларининг халқлари милли мустақилликни қўлга киритдилар, ўзларининг бундан кейинги тараққиёти тақдири ҳақидаги масалани ўзлари ҳал қила оладилар. 21 февралда ўтказилган плебисцитнинг якунлари шуни кўрсатадики, мустамлакачиларнинг араб шарқида қандайдир вакуум борлиги ҳақидаги ҳар қандай бўлмагур ўйдирмаларга қарамай араблар ўз мамлакатларининг милли мустақиллигини ҳимоя қилиш ва ўзларининг ички ишларига империалистларнинг аралашувини рад қилиш туйғуси билан тўлиб тошганлар.

Бирлашган араб республикасида 28 миллион 95 минг аҳоли яшайди ва унинг майдони 1 миллион 175 минг квадрат километрни ташкил килади. Бирлашган араб республикаси ўз майдонининг ҳажми жиҳатидан ҳам, шунингдек аҳолисининг сони жиҳатидан ҳам Европа ва Осиёдаги кўпгина мамлакатлардан каттадир. У ҳозирги дунёнинг йирик давлатларидан бири ҳисобланади.

Бирлашган араб республикаси турли хил табиий бойликларининг катта запасига эга. Унинг территориясида нефть, темир руداси, хром, қўрғошин, молибдин, туз, рух қалайи ва ҳоказолар бор. Бу ерда Араб Шарқининг оқ олтини ҳисобланган пахта, шоли, бўғдой, турли хил сабзавот, мева ва бошқалар етиштирилади.

Бирлашган араб республикаси ватан саноати ва юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалигига эга бўлган янги давлат тузиш ҳақидаги ягона мақсад илҳомлантирган икки халқни бирлаштирди. Илгариги вақтда, ғарб мустамлакачилари ҳукмронлик қилган даврда, араблар бу вазифани ҳал қилиш имкониятига эга эмас эдилар. Ҳозир Бирлашган араб республикаси миллий саноатни барпо этишга киришди. Бу ҳаётий муҳим масалада Бирлашган араб республикасига Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, Польша, Чехословакия ва социалистик лагердаги бошқа мамлакатлар томонидан ёрдам берилади ва қўллаб-қувватланади. Социалистик мамлакатлар бундан кейин ҳам Бирлашган араб республикаси билан иқтисодий ва маданий алоқаларни ҳар тарафлама ривожлантира беради. «Сурия ва Миср томонидан бошқа мамлакатлар билан тузилган барча халқаро битимлар ва шартномалар, — дейилади республиканинг муваққат конституциясида, — улар тузилган вақтдаги регонал территорияларда ва халқаро ҳуқуқ принципларига мувофиқ ўз кучида қолади».

Бирлашган араб республикасининг тинчликсевар давлат — Бирлашган араб республикаси пайдо бўлганлигини чин кўнгилдан табриклайдилар. Совет-араб дўстлиги—халқларимиз тинчлик учун ва сиёсий тузумлари турли хил бўлган давлатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ўрнатиш учун олиб борган курашларида эришилган энг муҳим муваффақиятларинг биридир. Биз араб дўстларимизни уларнинг тарихидаги мана шу ажойиб кунда чин кўнгилдан табриклаймиз.

(«Известия», 23 февраль).

Чет элларда

Бирлашган Араб Республикасини кўп давлатлар танимоқда

ПЕКИН, 24 февраль. (ТАСС). Бу ерда олинган хабарга қараганда, Хитой Халқ Республикасининг Мисрдаги илгариги элчиси Чэн Цзя-ген Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Араб Республикасидаги элчиси қилиб тайинланган.

Хитой Халқ Республикасининг раиси Мао Цзэ-дун Бирлашган Араб Республикаси барпо қилинганлиги муносабати билан ва Носир шу республиканинг президенти бўлиб сайланганлиги муносабати билан президент Носирга табрик телеграммаси юборди.

Бош министр Чжоу Энь-лай ҳам телеграмма юбориб, Хитой Халқ Республикаси Бирлашган Араб Республикасини танишга қарор қилганлигини билдирди.

ДЕҲЛИ, 24 февраль. (ТАСС). Деҳли радиоси хабар беради: Ҳиндистон Бирлашган Араб Республикасини расмий равишда таниди. Ҳиндистоннинг бу қарори президент Прасаднинг Бирлашган Араб Республикаси президенти Носирга юборган мактубида хабар қилинди. Прасад ўз мактубида, мен Миср билан Сурия ўртасидаги иттифоқи барпо қилинганлигини ва Носир республика президентлигига сайланганлигини эшитганим учун бахтиёрман, деди.

* * *

Телеграф агентликларининг берган хабарларига қараганда, шу кунгача Совет Иттифоқи, Хитой ва Ҳиндистондан ташқари Афғонистон, Югославия, Италия, Цейлон, Испания, Норвегия, Чехословакия, Швейцария, Бельгия, Албания, Тунис, Венгрия, Польша, Япония, Дания, Руминия, Греция, Германия Федератив Республикаси, Голландия, Швеция, Индонезия, Болгария, Ватикан ҳам Бирлашган Араб Республикасини танигаликларини айтганлар.

Индонезиядаги аҳвол

ЖАКАРТА, 24 февраль. (ТАСС). Бугун Индонезия ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари исёнчилар ҳукмронлик қилаётган Шимолий Сулавеси районига ва шу районнинг маркази Манадо шаҳрига ҳужум қилдилар. Марказий Суматра шаҳарларига қилинган ҳужумда ҳам, бу районга қилинган ҳужумда ҳам асосан маҳаллий радиостанцияларга бомбалар ташланди. Бу чоралар чет мамлакатлардан ёрдам олаётган исёнчи районларни блокада қилиш тўғрисида ҳукумат чиқарган қарорга мувофиқ амалга оширилди.

Индонезия армияси штабининг бошлиғи Насутион бугун ҳукуматнинг Суматра ва Шимолий Сулавесидаги сепаратистлар исёнини тугатиш учун кўраётган чораларини тушунтириб берди.

«Исёнчиларнинг чет мамлакатлар билан алоқа қилишга ҳалақит бериш» ва шу исёнчиларга чет мамлакатларнинг ёрдами баҳонаси билан уларга қурол-яроғ келтирилишига тўсқинлик қилиш мақсадида, — деди Насутион, — исёнчиларни денгиз томонидан ва ҳавода туриб блокада қилмоқдамиз.

Насутион, сепаратчи Хусаиннинг ҳарбий тўдаси мамлакатнинг турли оролларида ҳаракат қилаётган мусулмон мутаассиб «Дорулислом» шайкалари ҳамда чет эл ҳарбий доиралари билан мустаҳкам алоқа боғлаб иш олиб бормоқда, деб таъкидлади.

Нидерландия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг баёноти

ГААГА, 24 февраль. (ТАСС). Голландия ҳукумати мамлакатда Американинг ракета базаларини жойлаштириш ниятида бўлганлиги муносабати билан Нидерландия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг баёноти «Де Ваархейд» газетасида эълон қилинди.

Баёнотда айтиладики, Голландия халқининг кенг доиралари ҳукуматнинг шу планлари муносабати билан безовта бўлмоқда. Бу планлар халқаро вазиятни кескинлаштиришгагина ёрдам бериши мумкин ва агар Голландия социалистик лагерга қарши агрессив урушга тортиладиган бўлса, Голландия учун ҳалокатли оқибатлар туғдириши турган гап.

Нидерландия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Голландия коммунистларини халққа «Америка атом ракеталарини учирадиган майдончалар қуриш планининг амалга оширилишига бутун куч билан қаршилик кўрсатиш зарурлигини» таъкидлаш ҳам кўпроқ зўр бериб тушунтиришга чақиради.

Марокашнинг Испанияга норозилиги

ПАРИЖ, 24 февраль, (ТАСС). Испания қўшинлари Марокаш шимолидаги Сеута ва Надор районларида Марокаш постларига яқин жойларга келтирилаётганлиги муносабати билан кеча Марокаш ҳукумати Испания ҳукуматига қаттиқ норозилик билдирди.

Марокашдан берилган хабарда айтилишича, испан қўшинларининг қисмлари яқинда «бетараф зона» деб аталган райондаги позицияларни эгаллаганлар.

ОНАЛАР ХАЛҚАРО ДОИМИЙ КОМИТЕТИНИНГ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

СОФИЯ, 24 февраль. (ТАСС). Оналар халқаро доимий комитетининг 20 февралдан 22 февралга қадар Софияда ўтказилган учинчи сессиясида урушга қарши декларация қабул қилинди. Бугун эълон қилинган шу декларацияда дейиладики, эўр бериб қуролланиш давом эттирилаётганлиги оналарни жуда ташвишга солмоқда ва оналар дарҳол қуйидаги чораларни кўришни талаб қиладилар:

Ядро қуроли синовлари тўхтатилсин; атом ва водород бомбалари ортилган ҳарбий самолётларнинг учирилиши тўхтатилсин; ракета майдончалари қуриш тўхтатилсин.

Биз дейилади сўнгра декларацияда, Рапацкийнинг Европада ядро қуроли ва ракета майдончаларидан холи бўлган зона вужудга келтиришни кўзда тутган плани жиддий равишда ва дарҳол ўрганилишини талаб қиламиз.

Юксак доирадаги кенгаш мумкин қадар тезроқ чақирилиши лозим.

Агар ҳамма оналар бирлашиб ва бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсалар, дейилади декларацияда, ҳамжиҳатлик, тинч-тотув яшаш ва тинчлик орзулари эртага рўёбга чиқиб, ҳаммани бахтли қилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН БИРИНЧИЛИГИ УЧУН ШАХМАТ МУСОБАҚАСИ

Тошкент темирйўлчилар маданият саройида Ўзбекистон биринчилиги учун XXIII марта ўтказилаётган шахмат мусобақаси давом этмоқда. Турнирда кучли шахматчилардан СССР спорт мастери М. Муҳидинов, Тошкент область чемпиони Хосидовский, мастерликка кандидат Бирбрагер ва бошқа ўртоқлар қатнашмоқда. Ҳозиргача уч тур ўйналиб бўлди. Тошкентлик Бирбрагер Павлов (Фарғона) билан бўлган ўйинни дуранг қилиб, наманганлик Тожибоев ва тошкентлик Гоуфман устидан галаба қозониб, уч имконияттан 2,5 очкога эга бўлди ва лидерликни қўлга олди. Мухитдинов, Мухин Хосидовский, Сарваров 2 тадан очкога. Сорокин, Грушинский-лар эса 1,5 тадан очкога эга бўлдилар.

К. ЕРНИЯЗОВ.

Телевизор экранида

27 ФЕВРАЛДА.

19.30. Болалар учун ўзбек тилида «Гулхан» ва «Ғунча» журналлари 2-сонининг обзори.

19.50. Киножурнал.

20.00. Рус тилида «Арабларнинг озодлик ва мустақиллик учун олиб бораётган кураши» деган эшиттириш.

20.20. Бадиий фильм — «Боши очиқ».

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/II да **Алишер Навоий**, 27/II да **Ганг дарёсининг қизи.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/II да **Евгений Онегин.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 26, 27, 28/II, 1 ва 2/III да энг кекса цирк артисти **Михаил Калядин** раҳбарлигидаги **Қизиқчилар группасининг хайрлашув гастроллари.** Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

«ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун янги кинокомедия **Кўча тасодифларга тўла.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

27 февралда

катта концерт

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Карим Зокиров**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Салима Хўжаева, Ноила Ҳошимова, Сора Самандарова, Насим Ҳошимов, Михаил Давидов**, солистлардан **Флора Кайдани, Раъно Қурбонова, Фая Носирова, Клара Юсупова, Раиса Ҳожисандова, Асад Азимов, Жамол Низомхўжаев, Жўра Қосимов, Рихси Султонов, Омон Назруллаев, Мордухай Давидов, Иброҳим Юсуповлар** қатнашади.

Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли ва доирада Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Раҳим Исахўжаев** жўр қилади. Концертмейстерлар — **Д. Воробейчикова, И. Виннер**, программани **Жамол Низомхўжаев** олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

Москвада бўладиган Ўзбек санъати ва адабиёти декадаси олдидан

26 февралда

ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИ АСАРЛАРИДАН

КОНЦЕРТ

Концертда: Ўзбек давлат филармониясининг симфоник оркестри ҳамда Ўзбек ашула ва рақс ансамбли қатнашади.

Программада: Пак Эн Дин — Симфония (биринчи марта ижро этилади), шунингдек Ўзбекистон композиторлари: С. Юдаков, М. Насимов. Д. Зокиров, Ҳ. Нишонов, Ҳ. Раҳимов, Ф. Содиқов, Т. Жалилов, Н. Ҳасанов асарлари.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Таклиф билетлари билан кирилади.

Пушкин кўчаси, 26-уйда турувчи **Марта Августовна Васильева**нинг шу уйда турувчи Борис Тимофеевич Васильевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Марказий район, 4-участка халқ судида кўрилади.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

26 февралда

катта концерт

Концертда: **Жуманазар Бекжонов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Гавҳар Раҳимова**, эстрада солистларидан **Зокиржон Султонов, Башорат Хўжаева, Розия Қурбонова, Муҳаббат Мусаева, Азиз Муллахолов, Мадамин Содиқов, Убай Хўжаев, Виктор Тягнибидний, Рўзи Қаюмов, Мавлон Тошмуҳамедов** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 ярим да бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ТРАНСПОРТ МАШИНАСОЗЛИГИ ЗАВОДИГА

инженер-конструктор, 4, 5, 6-разряд **токарлар** ва **қолипчилар, рандаловчилар**, 4, 5-разряд **фрезерчилар, кочегарлар**

КЕРАК

Барча кишилар ётоқ билан таъминланади.

Ишчилар шаҳарчасида заводнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (6-троллейбуснинг «Завод» остановкаси).

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали: Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136, Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156, Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 115,50, Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 00479. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-416.